# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

34 (928) сон

13 август — 19 август 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz


## МИЛЛИЙ БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ 2



4



## БОЛАНГИЗНИ БАХТСИЗ ҚИЛМАНГ!

## СЕВИБ ҚОЛДИНГИЗМИ, ҚИЗОЙИМ? 5



16



## МАШҲУР БЎЛМОҚ УЧУН...

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ





13

*Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинати Маданият саройи қошидаги "STARTIN" ашула ва рақс гуруҳи аъзолари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда биринчи даражали мукофотга сазовор бўлди*

## КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан табрик мактуби йўллади.

→ Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 1-9 август кунлари ўтказилган яккакураш спорт турлари бўйича I Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси 21 та медал (4 та олтин, 5 та кумуш, 12 та бронза)ни қўлга киритиб, кучли бешликдан ўрин эгаллади.

## БУГУН:

→ 1 августда республикамиз олий ўқув юртларига қабул имтиҳонлари топширган 337 минг 115 нафар абитуриент учун энг ҳаяжонли лаҳзалар бошланди: кимдир "талаба" деган шарафли номга сазовор бўлади, кимдир...

→ Кеча дунё миқёсида нишонланган Халқаро ёшлар куни(1999)ига бағишланган тадбирлар бизнинг ўлкамизда ҳам бўлиб ўтди.

## ЭРТАГА:

→ Шахмат бўйича Германиянинг Майн шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли "ORDIX Open" халқаро турнирида муваффақият қозонган(ўн бир имкониятдан 8 очко жамғарган) гроссмейстер Рустам Қосимжонов Арманистонда шу йилнинг 24 августигача давом этадиган FIDEнинг Гран при мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


Соғликни билакузукка алмаштирманг 2

Маҳалладан оғуфуруш аёлларга нега ижобий тавсифнома берилди? 3

Ҳеч қачон «уф» деманг 6

Теледастурлар 8-10

«Касби йўқ йигитни куёв қилмайман» 11

Асл бахтни ахтарган аёл 12

Келин бўлмишнинг онаси тўйга келолмади... 14

Ўттиз йилдан сўнг... онасини кўрган ўғил 15

Эри қиморбозлиги учун ажрашиб кетди 16


## "ОБУНА — 2010"

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?*

*"Оила ва жамият"ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи юйибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" хонадонингизга бееминнат ("сотиб олиб ўқирман" деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга 176, Ташкилотларга 177

# СОҒЛИКМИ Ё БИЛАКУЗУК

Қаердадир ўқигандим: хорижий давлатлардан бирида фарзанд туғилгач, оналарга етти йил, яъни боласи мактабга боргунга қадар таътил берилиб, уларга маълум миқдорда маош тайинланаркан. Аммо агар бола мактабга кириш учун топшириладиган синовлардан ўта олмаса, ўша йиллар давомида давлат томонидан берилган пуллар қайтариб олинаркан. Демак, она ўша йилларини беҳуда ўтказибди. Албатта, бунинг замирида оналарга, фарзанд тарбиясига нисбатан эътибор бор, ўз навбатида уларда бу эътибор учун талаб ҳам шаклланган.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам оналар ва болалар муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу ҳақда Президентимизнинг фармон-қарорлари қабул қилинганлиги, оналар фарзандли бўлгач, 3 йил давомида таътилга чиқиб, боласи икки ёшга тўлгунга қадар маълум миқдордаги маблағ билан таъминланиши, тиббий хизмат 73 фоизга бепул эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, демак, бизда ҳам фарзандлар камоли, мамлакат келажагига беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Биргина Самарқанд вилояти мисолида оладиган бўлсак, ўтган йиллар давомида перинатал марказлар ташкил этилиб, замонавий технологиялар билан таъминланди, 7 та туманда туғруқ комплекслари реконструкция қилинди, таъмирланди, скрининг марказлари ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан болалар ва аёлларда энг кўп аниқланган касалликларга 16 турдаги 5414 дона дори-дармонлар бепул тарқатилган, бир нечта туманларда тиббий-патронаж ўтказилиб, аҳоли ўртасида тиббий кўриклар бепул амалга оширилди. Бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Лекин шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, биз яратиб берилаётган имконият ва кўрсатилаётган ғамхўрликлардан қандай фойдаланаяпмиз? Боламизга берган тарбиямиз назорат қилиниб, мактабга бораётганда махсус синовдан ўтказилса-да, бунинг учун фарзандимизни вояга етказишда берилган пул ҳақида сўралмаса ҳам ўзимиз виждонимиз олдида жавоб бера олаяпмизми?

Яқинда ёшгина келинларнинг поликлиникадаги суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. Улардан бири кечагина боласининг пулини олганини, бир ёшга кириб қолган болага ўз вақтида турли мева ва сабзавотларнинг шарбатини бераман, дея шарбат чиқаргич олмоқчи эканлигини айтиб қолди. Иккинчи келин унинг гапларига эътироз билдирди. «Болага ҳозирдан шарбат бериб нима қиласиз, мана, мен бу пулни йиғиб, ўзимга билакузук олдим, қаранг, қандай чиройли», 

**✓ НИМА ДЕЙСИЗ?**

деди. Ёнидаги икки-уч нафар аёллар ҳам унга ҳавас билан қараб қўйишди. Балки уларда ҳам шундай истак пайдо бўлгандир.

Сиз-чи? Сизнингча, боланинг пули нималарга сарфланиши керак? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Бунга ҳар ким турлича жавоб беради. Кўпчиликнинг жавоби бир хил бўлиши табиий: ҳар ким эҳтиёжидан келиб чиқади-да. Албатта, биз ҳам оилаларнинг чўнтаги билан ҳисоблашмоқчи эмасмиз, фақат нега болалар пули оналарнинг туғруқ давомида заифлашган организмини тиклаш, болаларнинг соғлом бўлиб ўсишлари учун эмас, зеб-зийнатлар учун ишлатилиши лозим. Бу зийнатлар фарзандларимизга нима қилиб бера олади?..

Қарияларимиз фарзанд катта қилаётганларга қарата «илиги тўқ бўлсин» деган гапни тез-тез такрорлашади. Қадимдан момоларимиз бола туғилганиданоқ унинг илиги тўқ ўсиши, бақувват бўлиши учун эмизикли аёлларга алоҳида эътибор билан қарашган. Сути тўйимли бўлсин, деган ниятда уларга мазали таомлар тайёрлаб беришган.

Бугун аксарият гўдаги бор аёлларга разм солсангиз, соғлиғига эътиборсизлиги билан бирга «сув ичсам ҳам сутим яхши» дея ўз таомномасига риоя қилишмайди. Бундай боланинг соғлом бўлишига эса ҳеч ким кафолат беролмайди, аксинча бугун бу иборани ишлатсангиз, аксарият келинларнинг юзида бепарвогина табассумни учратасиз. Аслида, жуда кўп муаммолар ана шундай бепарво табассумдан бошланмасмикан?..

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

***Ўтган шанба куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда республика "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви ташаббуси билан Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган "Маҳалла куни" байрам дастури бевосита мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллик қутлуғ тўйига бағишланди.***

**✓ «МАҲАЛЛА КУНИ»**

# МИЛЛИЙ БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ

**"Тошкент шаҳри тарихини ва маҳалла тарихини кенг тарғиб қилган намунали маҳалла"**

**"Энг обод маҳалла"**

**"Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи"**

**"Оналар куйлаганда" номли алла, "ёр-ёр", лапар-айтишувлар»**

**"Маҳаллангиз тарихини биласизми?"**

Байрам тадбирида пойтахтимиздаги барча маҳаллалар ўртасида худди юқорида қайд этилгани каби ўнлаб номинациялар бўйича ўтказилган кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ғоят файзли ўтди.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 21 июлдаги "Тошкент шаҳрида анъанавий "Маҳалла куни" тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойишига биноан уюштирилган бу байрам Миллий боғда халқ сайли сифатида нишонланаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор,— деди **"Маҳалла"жамғармасининг шаҳар бўлими бошқаруви раиси Жамолиддин ШОҲАКИМОВ.** — *Чунки дунё миқёсида тан олинган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш МАҲАЛЛА тизимининг илдизлари аслида бизнинг заминда пайдо бўлгани ва бугунги кунда унинг нуфузи янада ошиб бораётгани эътироф этилмоқда. Шу боис ҳам Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан жамиятимизнинг таянч нуқталаридан бири бўлган маҳаллага ҳар доим катта ғамхўрликлар кўрсатилиб, кенг имкониятлар яратиляпти. Бизлар эса ўз навбатида бундай ишончни оқлашимиз керак.*





Кечгача давом этган ушбу байрам дастури доирасига киритилган қовун, нон, гул ва қуш сайллари, дорбозлар ва полвонлар ҳамда спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, адабиёт ва санъат усталарининг қутловлари ушбу тадбирнинг янада фусункор руҳда ўтишини таъминлади.

**Умрзоқ ҚОДИРОВ.**

**СУРАТДА: Анъанавий "Маҳалла куни" байрам сайлидан айрим лавҳалар.**

**Суратларни Козим ЎЛМАСОВ олган.**




***Танлов***

## «МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ ШАҲРИМ»

Бугун бутун халқимиз қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида кенг жамоатчиликнинг, айниқса, ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш мақсадида «Экосан» халқаро фонди Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Менинг уйим — менинг шаҳрим» шиори остида кўрик-танловлар ўтказилганди. Яқинда ана шу танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. «Экосан» халқаро фонди бошқаруви раиси Н.Умаров кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хусусида сўзлаб берди. Шундан сўнг ҳаяжонли онлар бошланди. Кўрик танловнинг «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» соҳаси бўйича ихтисослаштирилган суғориш шахобчалари ва кўкаламзорларни парвариш қилиш ва таъмирлаш марказий бошқармаси жамоаси (раҳбари Ниғматулла Охунжонов) ғолиб деб топилди. Бошқа турли номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланиб, уларга фонднинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Шунингдек, тадбир якунида «Обод қилган обод бўлади» шиори остида «Энг намунали қишлоқ ҳовлиси» республика кўрик-танлови ўтказилиши эълон қилинди.

**Тамара ХУММАМАТОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

## САМАРҚАНДДА "ЭНГ НАМУНАЛИ"

"Маҳалла маслаҳатчиси" деган эътирофга сазовор бўлмоқ осон эмаслигини англаган иштирокчилар бу жиддий кўрикка пухта тайёргарлик кўришди. Қадим Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида 14 нафар маслаҳатчи хотин-қизлар ўзаро беллашдилар.

Албатта, танлов шартлари ҳам мураккаб эди: яъни бугунги кунда аҳоли ўртасида долзарб бўлиб турган маънавий муҳит билан боғлиқ муаммоларни қамраб олиш ва уларга ечим топиш учун маслаҳатчининг ўзи энг аввало маънан кучли, билимли бўлиши талаб этиларди. Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар орасида Самарқанд туманидаги "Галаосиё" маҳалласи маслаҳатчиси Сурайё Ашурова "Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси" деб топилди. Энди у ушбу нуфузли танловнинг республика босқичида қатнашади.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Пойтахтимизнинг миллий боғ ҳудудидаги маданият ва санъат кўргазмалари биносида***
**"ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН..."**
деб номланган доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудлараро кўргазма-савдога марҳамат!
Муҳтарам юртдошлар, мўъжизакор қўллар яратган гўзалликлардан баҳраманд бўлинг!

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

✓ НИГОҲ

# СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН ҲАМ...

...Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судида гиёҳванд моддалар савдоси билан мунтазам шуғулланган икки аёлнинг «иш»и кўриб чиқилди. Афсуски, заҳри қотил савдоси билан шуғулланган бу аёлларнинг ўғил-қизлари бор. Гарчи улар ҳали ёш, куч-қувватга тўла, ҳамма қатори меҳнат қилса, бинойидай яшаш имкониятларига эга бўлишса-да, мўмай даромад топиш илинжида ҳамқишлоғу ҳамшаҳарларини кўра-била туриб ажал жарига қулатиш йўли — гиёҳванд модда истеъмол қилишга имкон яратиш билан шуғулланганлар.

Тергов-суриштирув жараёнида бу аёллар героинни юзлаб одамларга сотгани маълум бўлди. Энг таажжубланарлиси шундаки, ҳуқуқ-тартибот ходимлари гиёҳфуруш хонимларнинг фаолиятига чек қўйиб, уларнинг жиноят иши судда кўриб чиқилаётган пайтда маҳалла томонидан ана шу аёллар ҳақида мақтов сўзлардан иборат тавсифнома ёзиб беришгани ҳам маълум бўлди.

Бунисига энди нима дейсиз? Ахир маҳалла аҳли, унинг раҳбар-мутасаддилари бу оғуфурушларнинг қандай қабиҳ ишлар билан шуғулланаётганларини билмасмиди? Негадир кўплаб ёш йигит-қизларнинг ҳаётига зомин бўлаётган гиёҳвандлик — «ажал тегирмони»га сув қуяётганларнинг қонуний жазоланишини талаб қилиш ўрнига аксинча, бу жиноятчиларга енгилроқ жазо берилиши учун ҳаракат қилишган. Ахир бу гиёҳвандликни қўллаб-қувватлаш билан тенг эмасми?

Аслида, катта хатолар кичигидан, қонун-қоидаларни бузиш эса аввалига ҳуқуқбузарликлардан бошланади. Бунга эса мисоллар етарлича топилади. Мана, масалан: «Халқ банки»нинг вилоят бошқармаси, Гурлан кўчаси, Урганч шаҳар ҳокимияти, Буюм бозори чорраҳаларида йўловчи ташийдиган, «Дамас», «Тико» автомашиналари ҳайдовчиларининг аксарияти йўл транспорт қоидаларига мутлақо риоя қилмайдилар. Светофорнинг «қизил» чироғида чорраҳадан ўтиб кетиш, дуч келган ерда тaққа тўхташ — бу ҳайдовчилар учун одатий ҳол бўлиб қолди.

Бу билан ҳайдовчи нафақат ўзи, қолаверса, йўловчиларнинг, бошқа транспорт воситасидаги кишиларнинг ҳам ҳаётини хавф остига қўяётганини мутлоқо ўйламайди. Қандай бўлмасин, кўпроқ даромад кўриш ёки масъулиятсизлик сабабли йўл транспорти ҳамда йўловчи ташиш қоидаларини мунтазам бузаётган ҳайдовчиларнинг бу каби хатти-ҳаракатларига айни пайтда автомашина салонида ўтирган йўловчилар нега бефарқ кузатувчи бўлиб қараб тураверишади? Ахир потенциал автоҳалокат сабабчисини тартибга чақириш ёки ундан йўл транспорт қоидалари бўйича автомашина ҳайдашини талаб қилиш наҳотки қийин бўлса? Ўз бефарқлигимиз сабабли ҳаётимизни хавф остига қўяётганимизни наҳот тушунмасак?

Ёки бошқа бир — оддий ҳаётий мисол: маълумки, тўйларимиз анча тартибга тушиб қолди. Аммо бунга ҳам мамлакат миқёсида ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилганидан кейингина эришилди. Шунгача сурбет рaққосалару отарчиларнинг хурмача қилиқларидан ҳаммамиз безор бўлсак-да, лом-мим демасдик. Худди тўй азоб-уқубатини бошимиздан кечириш пешонамизга битилгандай сабот ва матонат билан чидадик, ва афсуски чидаяпмиз ҳам.

Энг ачинарлиси , «отарчилик» энди тўйлардан ташқари экранда ҳам «қулоч ёймоқда». Аксарият ёш хонандаларнинг репертуарида беҳаё, маъно-мазмунсиз қўшиқлар кўпайиб кетгани-ю, клиплардаги ярим яланғоч «раққоса»ларнинг қилпиллаб (афсуски рақсга тушиб эмас) туришларига нима дейсиз?

Тайёр пул, текин даромад турганида бошқаларнинг талаби, фикри, истаги билан ҳисоблашмайдиган, бефарқлигимиз сабабли биз — мухлисларнинг кўнглимиз билан ҳисоблашишни билмаётган отарчилару, саёз ашулачиларга қачон инсоф киришини кутиб ўтиравeрамизми?

Тўғри, чўл бўрисиз, эл ўғрисиз бўлмайди, дейдилар. Қани шу ибора ёлғон чиқса, деб ўйлаймиз, лекин юз йиллар давомида текин даромад, бировнинг мулкига эгалик қилиш бор экан, жиноят қилишдан тоймайдиганлар тоифаси мавжуд. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жуда кўп жиноятлар ҳасад, бировнинг мулкига эгалик қилиш истаги, кўриш-кузатиш натижасида аланга олар экан.



Фоҳишалик билан шуғулланган ёшгина аёл, ёш йигитчалар кўз ўнгида тахминан 25-30 минг долларни санагани, ўз шаҳвоний ҳирсларини қондириш мақсадида бу ерга келганда эса унинг мулкига эгалик қилиш жазавасини қўзғади. Натижада фоҳиша чавақланди, ёшлар эса жиноят ботқоғига ботди.

Савол туғилади: аёлнинг фаҳш йўллар билан даромад кўраётганидан қўни-қўшни, маҳалла аҳли бехабармиди? Тергов жараёнида кўпчилик марҳуманинг қинғир ишларидан хабардор эканлиги, фақат «бизнинг нима ишимиз бор?» қабилида муносабатда бўлганликлари маълум бўлди.

Инсон табиати қизиқ-да: хотиржамликка интилади, безовта бўлмасам дейди. Албатта, бу яхши фазилат. Шовқин-сурон, югур-югур, талотўп кимга ҳам ёқарди? Кўча-кўйда қаттиқроқ товуш эшитсак, юрагимиз шув этади. Чунки аксариятимиз, оч қорним, тинч қулоғим, дейдиганларданмиз. Гоҳо шундай табиатли кишиларнинг ҳаёт тарзига ҳавасимиз ҳам келади. Турмушлари бир маромда кечади. Ҳеч ким уларнинг мушугини «пишт» демайди. Чойхонада улфатлари билан ҳангомалашади, онда-сонда сиёсат, нарх-наво тўғрисида, иқлим ўзгаришларидан нолиб ҳам қўядилар. Ҳа, шундай. Қизиқ, дунёнинг нариги бурчагида рўй берган пўртана оқибатида иккита кема ағдарилиб кетгани-ю, машҳур футбол клубининг мағлубияти сабаблари ҳақида соатлаб баҳслашамиз. Лекин уйимиз, маҳалламиз, қишлоқ ёки шаҳримизда бўлаётган воқеалар, ўсиш, ўзгаришлар қиммати нечоғли баланд эканлигини эътироф этишга тортиниб турамиз.

Азиз замондош! Бу иддаолардан дарҳол хафа бўлманг. Балки сиз бошқаларга нисбатан куюнчакроқдирсиз. Одамларнинг қувончу ташвишларини юракка яқинроқ оларсиз, лекин ўйлаб кўрингчи, эл ободлиги, юрт тинчлиги, ҳаёт фаровонлиги учун нима қилдингиз? Ҳеч бўлмаганда уйингиз олдига қанча дарахт экдингиз? Кўчангиз, Ватан ичра кичик ватан ҳисобланган маҳаллангиз обод бўлиши учун қандай ҳисса қўшдингиз? Қўни-қўшнилар, эл орасида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга қандай муносабатда бўлдингиз? Шу борадаги ижтимоий фаоллигингиздан ҳеч қониқасизми?

Ҳа, дарвоқе... Сиз хавфни сезган тошбақани кўрганмисиз? Энг аввало, у бошини тош зирҳлари ичига яширади, оч қорним — тинч қулоғим қабилида. Ўйланиб қолади киши, гоҳо биз инсонлар ҳам тошбақага ўхшаймиз: теварак-атрофда кечаётган жараёнларга бефарқмиз. Лоқайдлик аталмиш «зирҳ»имизга яширинамиз. Худдики, қадимдаги бир Европа ҳукмдори айтганидек «Мендан кейин тўфон бўлмайдими?» — қабилида. Аммо бундай умр кечиришдан, яшашдан маъно излаб кўринг-чи? Топа олармикансиз?

**Исмоил ШОМУРОДОВ,**
**журналист.**

---

✓ ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ЭЛИМ ДЕГАН АЁЛ БУ!

Ҳар доимгидек, бу сафар ҳам Сурхон воҳасига борганимизда энг аввало ўз оиласи, маҳалла-кўйида обрў топган жонкуяр аёллар фаолияти ҳақида туркум мақолалар тайёрлаётганимизни эшитган Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобилова мақсадимизни англагач, бир оз ўйланиб турди-да, музработлик Ҳайитгул Баҳодирова ҳақида ёзишимизни маслаҳат берди.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз нафақат жамиятда, балки оилавий турмушда ҳам кўпларга намуна бўлаётган, тиниб-тинчимас, тенгдошлари орасида обрў-эътибор топиб келаётган аёл бўлиб, кўпчилик уни «Пошшохон» деб атар экан.

— Сиз сўраган Пошшохон шу, — дейди ҳамроҳимиз эркакларга хос виқор билан кириб келган истараси иссиқ, кулгичи ўзига ярашиб турган аёлни таништираркан. — Раисамизнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Ҳатто, машина ҳайдашни ҳам қойиллатади. Тошкентда ўтказилган «Автоолам маликаси»да иштирок этиб, соврин билан қайтган.

— Минг эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, — дейди Пошшохон дангалига бу мақтовларга аҳамият бермай. — Амалга оширилаётган ишларни ўзингиз кўрганингиз маъқул.

Ҳеч қанча ўтмай, Пошшохон «Нексия» автомашинасига ўтириб, рулни қишлоқ томон бурди. Автомашина кенг ва равон асфальт йўлдан «Қизил олма», Наврўз, Қозоёқли қишлоқлари орқали «Дўстлик» маҳалласига етиб келди. Кенг ва равон қишлоқ кўчаларидан борар эканмиз, бу ердаги кўркам қурилишлар, дид билан парваришланаётган боғларни кўриб, кўзимиз қувнади.

Опа раҳбарлик қилаётган «Музработ» қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудида эса 15 мингдан ортиқ аҳоли 4 мингта оилага бириккан. Ҳудудда 7 та ўрта умумтаълим мактаби, 2 та шифохона, 1 та мактаб-интернат, кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежи фаолият олиб бораяпти. Қишлоқ аҳолисининг 500 нафардан ортиғини ёш оилалар ташкил этади. Катта элга бош бўлиш осон иш эмас. Аммо шунга қарамай, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида анча-мунча ибратли ишлар амалга оширилганки, уларни бажариш учун раҳбардан чаққонлик, билимдонлик ва тадбиркорлик талаб қилингани кўриниб турибди. Пошшохонда эса бу жиҳатларнинг ҳаммаси мужассам. Тиниб-тинчимас аёл халқ ичига чуқурроқ кириб, яратувчилик ишларига камарбаста бўлаяпти. Бу эса халқнинг унга бўлган ишончини янада оширмоқда.

— Пошшохон опа билан фахрланамиз, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Нодира Алиева. — Ҳаёт тажрибаси катталиги боис у киши барчамизга устоз. Зулфия Норқулова, Барно Мамаражабова, Мейлихол Тўрақулова сингари қишлоғимиз фаоллари ҳам ҳар доим бамаслаҳат иш юритишади.

Асли касби агроном бўлган Пошшохон кўп йиллар хўжаликда ишлаб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини анча илгари намоён этган эди. Қишлоқдошлари унга ишонч билдириб, фуқаролар йиғини раиси ўринбосари, кейинчалик раис этиб сайладилар. У эса элдошларининг ишончини оқлаш учун тиним билмайди. Табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган қишлоқларда биринчи галда ободонлаштириш ишларини кенг йўлга қўйиш учун интилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Пошшохон 2007 йили аёллар ўртасида ўтказилган миллий кураш бўйича биринчи Республика мусобақаси ташкилотчиси сифатида ҳам хотин-қизлар ўртасида спортнинг бу турига қизиқишини оширди. Шу йили «Йил аёли» республика кўрик-танловида иштирок этиб, муносиб тақдирланиб, барчага намуна кўрсатди. Унинг ташаббуси билан «Наврўз» маҳалла гузари



ташкил этилиб, бу ерда хотин-қизлар учун «Гўзаллик салони», тикувчилик, зардўзлик цехлари ишга туширилди. Дўстлик қишлоғида эса ҳашар йўли билан стадион қурилиб, 3 километр йўлга асфальт ёткизилди. Бундан ташқари, гузарда 500 ўринли тўй-тантаналар ўтказиладиган кўркам бино қурилиши кўзда тутилган.

Раиса байрамларда кам таъминланган оилалар, кекса ва ёлғизлар, ногирон ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабарлашиб, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида хонадонларда парранда боқишни ташкил этиб, бу билан хотин-қизларнинг фойдали меҳнат билан банд бўлишига ҳам кўмаклашяпти.

Яна бир хайрли жиҳати, Пошшохон, яъни Ҳайитгул Баҳодирова республика Болалар жамғармасининг Музработ туман бўлими раиси сифатида ҳам қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

«Миллий таомлар», «Миллий либослар», «Миллий ўйинлар» каби кўрик-танловларни ташкил этиб, халқимизнинг унутилиб кетилаётган удумларини тиклашда ҳам бош-қош бўлаяпти.

— Ҳайитгул Баҳодированинг кўпчиликка ўрнак бўларли меҳнати, юртимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси туфайли Президентимиз Фармони билан «Дўстлик» орденига сазовор бўлганлиги туманимиз хотин-қизлари кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди, — дейди Музработ туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фотима Нормаматова.

Раиса нафақат жамиятда, балки оилада ҳам фаол ва меҳрибон она. Турмуш ўртоғи Ўрал Темиров билан Раъно, Севара, Искандарларни жамиятимизга муносиб ўғил-қизлар қилиб тарбиялашмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ҳайитгул Баҳодирова ўзининг эзгу ишлари билан халқ орасида обрў топиб келаётган замондошларимиздан биридир.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири,**
**Сурхондарё вилояти.** (t)

✓ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

***Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти болалар жарроҳлиги кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Жуманазар БЕКНАЗАРОВ билан суҳбат***



# БОЛАНГИЗНИ БАХТСИЗ ҚИЛМАНГ!

**— Кўпинча бола чақалоқлигидаёқ, баъзида маълум бир муддат ўтгач, унда айрим нуқсонлар борлиги сезила бошлайди. Бунинг боиси нимада?**

— Аввало шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда тиббиётда 100 000 дан ортиқ касалликлар аломатлари, 20 000 га яқин синдромлар, яъни аломатлар жамланмаси, 10 000 га яқин турли хасталиклар мавжуд бўлиб, биргина шу сиз айтаётган **туғма нуқсонли** касалликлар сони 5000 га бориб қолди.. Балки шу сабабли Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти берган маълумотга кўра, ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг 11,3 фоизи турли нуқсонлар билан дунёга келаётган экан.

**— Туғма нуқсон деган тушунчанинг ўзи нима?**

— Бу — бола туғилганида унинг қайсидир аъзоларидаги меъёрдан четлашиш ҳодисаси, сочдан тирноққача, яъни барча органлар тизимида учраши мумкин бўлган камчиликлардир. Туғма нуқсоннинг асосий сабаблари иккита: **наслий** ва **орттирилган нуқсонлар.** Наслга оид касалликларнинг 2500 дан ортиғи халқ тили билан айтганда, «қон суради», яъни наслдан наслга ўтади. Аммо шундай касалликлар ҳам борки, улар асосан ота-онанинг фарзанд туғилишига нисбатан бўлган бефарқлиги, қолаверса, соғлом фарзандни дунёга келтириш учун қайғурмаслик ортидан келиб чиқади. Шуни ишонч билан айта оламанки, агар соғлом фарзанд туғилиши учун чинакамига қайғурилса, жуда кўплаб туғма нуқсонларнинг олди олинади.

**— Чақалоқларда энг кўп учрайдиган туғма нуқсонлар деб қайси хасталикларни айтиш мумкин?**

— Булар жинсий аъзоларда, нерв тизими, нафас олиш системаси, юрак ва мия ичак йўлида учрайдиган нуқсонлар ҳисобланади. Улар орасида энг кўп учрайдигани эса **жинсий нуқсонлардир**. Шундай экан, агар ҳомила даври меъёрий кечишда бўлса, бу каби туғма касалликларнинг пайдо бўлиши мумкин эмас.

**— Аммо кечирасиз-у, боланинг соғлом туғилиши фақат ҳомила жараёнидаги тўғри парваришга боғлиқ экан-да?**

— Йўқ, боланинг ҳеч бир нуқсонсиз туғилиши ҳомила бўлгунга қадар эркакка, яъни отага боғлиқ. Чунки ҳомилани пайдо қилиш кучига эга бўла оладиган эркаклик уруғи ҳар 14 кунда етилади. Ана шу уруғ етилиши даври мобайнида эркакда содир бўладиган руҳий зўриқиш, сиқилиш, қаттиқ ҳаяжон, қолаверса, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, наркотик моддалар ёки тамакига ружу қўйиш ҳолатларида эркаклик уруғини қайсидир тизимининг шаклланишида издан чиқиш ҳодисаси юз беради. Буни жуда содда йўл билан шундай тушунтирса бўлади: маълумки, ҳар бир инсоннинг ўз ирсий калити — коди бўлади. Бундай код 50 000 дан 70 000 тагача етади. Ана шу кодлар кетма-кетлиги эса маълум қонуният асосида рўй беради. Энди тасаввур қилинг: эркак хромасомаси узунлигида бир-бирига жипс тарзда қатор код занжири жойлашган. Бу «занжир»нинг бир ҳалқаси туғилажак боланинг соч ранги, бири кўзи, териси, бири тирноғи, бошқаси қўли, оёғи, юрак фаолияти, қўйингки, барча-барча органлари учун жавобгардир. Ана энди шу занжирдаги бирор бир ҳалқа, юқорида таъкидлаганимиздек, руҳий зўриқиш, кайфиятнинг бузилиши, тамаки, алкоголь-наркотик моддалар таъсирида узилиб тушса, мутаносибликка дарз кетади. Битта «занжир ҳалқаси» бутун тизимга таъсир ўтказади. Оқибатда туғма нуқсон учун замин яратилади. Чунки бир нарса аниқки, оталик уруғи ва оналик ҳужайрасининг ўзаро қўшилувидан пайдо бўлган ҳомилада ота-онанинг руҳидан бошқа руҳнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳомила куртаги вужудга келиши биланоқ, оталик ва оналик руҳияти бирлашган ҳолда материя, яъни ҳомила ҳужайраларига кириб келади. Бу руҳ, энг аввало, ҳомиланинг барча ҳужайраларига баб-баравар ёйилган бўлиб, у ҳомила ҳужайраларини аввалдан белгиланган дастур, яъни наслий код ёки калит бўйича бекаму кўст бўлиниб, кўпайишини таъминлайди. Демак, потенциал имкониятга эга, нуқсонлардан ҳоли фарзанд туғилиши ҳомилага қадар отага, ҳомила пайдо бўлгач эса онага, унинг саломатлиги, руҳий ҳолатига боғлиқдир.

**— Унда нега баъзан нуқсонли оталардан ҳам соғлом фарзанд дунёга келади? Қолаверса, наслий нуқсонларнинг авлоддан-авлодга ўтишида қиз боланинг организми «ташувчи» ҳисобланадими ёки ўғил боланикими?**

— Бу саволга жавоб беришдан олдин энг аввало юқорида таъкидлаганимдек, ҳомила, яъни туғилажак боланинг пайдо бўлишидаги асосий омил ҳисобланувчи эркаклик уруғининг тизимига кенгроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, бир эркак уруғида 60 миллиондан тортиб, 80 миллионтагача сперматозоид мавжуд. Ана шу сперматозоидлар орасидан битта ёки иккитасигина аёл бачадонига етиб бориб, ҳомила ҳосил қилади. Агар ана шу уруғ заиф бўлса, бола нимжон туғилади. Энди насл билан ўтадиган касалликларга келсак, улар 50х50 фоиз тарзида ҳам эркак, ҳам аёл орқали ўтади. Мисол учун, гемофилия — қон ивиши хасталиги фақат аёл орқали насл суради. Гемонефрит эса эркаклар орқали кейинги авлодда пайдо бўлади ва ҳоказо. Умуман олганда эса эркак уруғи фаол, тирик ҳисобланади. Чунки айнан шу уруғда руҳ мавжуд. Аёллар тухуми эса ҳаракатсиз, чунки унда руҳ йўқ. Шунинг учун, орттирилган нуқсонларнинг аксариятида асосан эркак айбдор ҳисобланади.

Энди ногирон ота-онадан ҳам соғлом фарзанд дунёга келиши ҳолатларига объектив томондан қарасак, бўлажак ота-она ўртасидаги интиқлик, юксак орзу-ниятлар қанчалик соф, бегубор ва тиниқ бўлса, улар ҳужайраларидаги Х ва Y хромосомалар (наслий сифат ва хусусиятларни ҳомилага ўтказувчилар) нинг комиллик даражаси, такомиллашуви шунчалик юқори бўлади. Олимларнинг тадқиқотларидан шу нарса аниқланганки, ҳомила даврининг 8—17 ҳафталарида кўп ахборот қабул қиладиган чақалоқда шартсиз рефлекслар такомиллашган бўлиб, шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши ҳам шунчалик тез ва мукаммал бўлар экан. Шунинг учун ҳам япон олимлари ҳозирги пайтда ҳомиланинг уч ойлик давридан бошлаб унга ахборот бериш механизмини ишлаб чиқдилар. Бу ахборотлар дастлаб содда бўлиб, аста-секинлик билан мураккаблаштириб борилади, яъни ҳомила она қорнидаёқ шахс сифатида шаклана боради. Асримиз бошларида эса рус олими В.М.Бехтеров махсус текширишлар асосида кар боланинг кўр болага нисбатан ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам ақлий жиҳатдан ривожланиши орқада қолишини исботлади. Чунки эшитиш орқали мия рецепторлари — таассуротни қабул қилувчи мия пўстлоғи ҳужайралари кўришга нисбатан тезроқ, яхшироқ ҳамда сифатлироқ таъсирланади ва ахборотни кўпроқ қабул қилади. Чунки ҳомила уч ойлик давридаёқ эшитиш қобилиятига эга бўлса, ёруғликни туғилганидан бир ой ўтгачгина сеза бошлайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда ҳомила тарбиясига мусиқа билан таъсир кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ҳам ота, ҳам она гунг бўлган жуфтликдан жисмонан, ақлан соғлом фарзанд туғилишининг асосий сабаби эса бола ҳомилалик пайтидаёқ ташқи омиллар таъсирида, яъни овоз-товуш орқали ўзига керакли ахборотни олиб улгурганидан далолат беради.

**— Баъзида кўкрак сутидаги етишмовчилик ҳам боланинг жисмоний саломатлигига путур етказади, деган фикрларни эшитамиз. Шу тўғрими?**

— Йўқ, она сути қандай бўлишидан қатъий назар, бола учун энг тўйимли озуқа ҳисобланади. Аммо бу, энг аввало, онанинг организмига боғлиқ. Чунки қадимдан шу нарса маълумки, айнан бола туғилиши биланоқ она кўкрагига келадиган ўгиз сутида **меҳр-муҳаббат гормонлари** мавжуд бўлади. Ўгиз сути нафақат онага, балки оила, Ватанга нисбатан ҳам меҳр-муҳаббатни шакллантирувчи энг биринчи омил ҳисобланади. Энди бошқа миллатлар билан бизнинг менталитетимизни солиштириб кўринг: биз ўзбеклар фарзандимизни ўзимиздан йироқлаштиргимиз келмайди, болаларимиз ҳам ота-оналарга ўзгача меҳр--муҳаббат билан муносабатда бўладилар. Бошқаларда-чи? Ота-она ер юзининг қай бир бурчида, фарзанд эса бошқа жойда... ўртада фақат бу — ота-она, бу — фарзанд, деган расмий риштагина бор, холос.

**— Айтингчи, ўғил боланинг жинсий тарбияси кимнинг зиммасида? Табиийки, ота ўғил билан бу нозик масалада гаплашмайди, она эса ўғил боланинг жинсий тарбияси нималардан иборат бўлишини ўзи ҳам яхши тушунмайди. Бола эса ўзи учун энг муҳим бу ҳаёт сабоғини мактабдан тўлиқ ололмайди. Уларнинг аксарияти балоғатга етиб, турмуш қургунга қадар ҳам жинсий муносабат ҳақида узуқ-юлуқ тасаввурдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Сизнингча, бу масалада қандай йўл тутган афзал?**

— Аввало, ўғил боланинг жинсий тарбиясига менинг назаримда она аралашмагани маъқул. Онаси билан фақат эркаклар гаплашадиган "мавзу" ҳақида сўзлашадиган болада аёлмижозлик пайдо бўлади. Бу нозик мавзуга отанинг ҳам аралашуви бир томондан ножоиз ҳисобланади. Чунки ота-бола ўртасидаги шу пайтгача сирли бўлиб келган парда кўтарилади. Бу ҳам яхши эмас. Шунинг учун, қадимда ўзбек халқида ўғил болага жинсий тарбияни бобоси ёки тоғаси, қизларга эса буви ёки холаси берган. Айримлар мактабда жинсий тарбияга доир дарс ўтилса маъқул-ку, деган таклифларни ҳам ўртага ташлаяпти, лекин бу ҳам нотўғри. Бундай тарбия жамоа бўлиб йиғилганда эмас, аксинча, яккама-якка ҳолатда, бола ва тарбия берувчи ўртасида кечадиган суҳбат тарзида бўлиши керак. Баъзи оилаларда ота-она бу оғир масъулиятни ўз зиммасига олиб, бироз шошқалоқликка ҳам йўл қўйишади. Болада ҳали табиий тушунчалар пайдо бўлмасдан аввалроқ, уни бундай «тарбия» билан сунъий равишда «улгайтириб» қўйишади. Ўзида бу мавзуга доир маълум тушунчалар шаклланмасдан бурун бу ҳақда ахборот ола бошлаган боланинг миясида қўзғалиш пайдо бўлиб, «возбуждение» (жинсий эҳтирос уйғониши) бошланади. Бу уйғонишни жиловлаш, босиш учун эса унда ақл етишмайди. Ҳеч эътибор берганмисиз, ғарб мамлакатларида ҳамма масала, ҳатто жинсий муаммолар ҳам очиқ муҳокама қилинади. Ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам жисмонан етилмай туриб, бу ҳақда деярли тўлиқ тасаввурга эга бўлиб қолишади. Шу сабабдан ҳам телеэкранларда намойиш этилаётган, аслида эҳтирос ва майлни кучайтиришга қаратилган, шаҳвоний фильм ва кўрсатувлар, кўча-кўйда одамларнинг очиқ-сочиқ, ярим-яланғоч юриши ва ҳоказоларга қарамай, бу ерда импотенция — жинсий ожизлик ҳолатлари ниҳоятда кўп учрайди. Чунки улар энг нозик босқич — инсоннинг табиий равишда жинсий балоғатга етишини кутмай туриб, бу ҳақдаги ахборот билан бола ва ўсмирлар онгини тўлдириб ташлашади. Оқибатда, жинсий нуқсонлар билан боғлиқ қатор касалликлар сони ортиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ана шу авлоддан дунёга келадиган зурриёдларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

**— Келажак авлод соғлом, баркамол ва маънан етук бўлиб вояга етиши учун яна нималарга эътибор беришимиз керак деб ўйлайсиз?**

— Эртасини ўйлаган миллат ҳеч қачон фақат болалар туғилиши сони билан чегараланиб қолмайди, мақтанмайди ҳам. Аксинча, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан соғлом ва комил бўлиб улғайиши учун тинимсиз қайғуради. Шу маънода бизнинг мамлакатимизда айниқса, "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳар бир онгли фуқарони қувонтириши табиий. Негаки, миллатнинг ҳар томонлама қудратли бўлмоғини таъминлайдиган куч бу — энг аввало Аёлга, демакки, Оналарга бўлган эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришдан иборат. Шундай экан, соғлом авлод тарбиясига фақат тиббиётчилар ёки соҳа мутахассислари жавобгар деган ўйда юрганлар хато қилади. Бу жамиятимизнинг, халқимиз ва миллатимизнинг эртанги тақдири учун ҳам энг муҳим ва долзарб масаладир. Фарзандимизнинг бахтсиз бўлмаслиги эса сизу бизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ.

**"Оила ва жамият" мухбири**
**Дилфуза ҚЎЗИЕВА**
**суҳбатлашди.**

# СЕВИБ ҚОЛДИНГИЗМИ, ҚИЗОЙИМ?

**КЎЗГУ**

“Йўғ-е” дедингизми? Овозингиз титрабгина чиқди. Юзларингиз ловуллаб кетди. Ярашимли бир хижолатлик, гўзалгина бир ибо кўрдим сизда. Яширманг, севиб қолганга ўхшайсиз. Йўқ, йўқ, бу энди айрим, ўзини хонанда санаганларнинг “севдим, куйдим, ташлаб кетаман, нозланаман” деган яланғоч сатрли, такрори тингловчи асабини таранг қиладиган “қўшиғи”даги арзон гаров “муҳаббат” эмас. (Илойим, шундай бўлсин...)

Бизга ҳаммамиз ғойибона севиб қолгувчи Кумушою Раънодан, Алпомишни ром этган Ойбарчиндан мерос қолган асл муҳаббат бор. “Тўхтанг, муҳаббатнинг ҳам сохтаси бўладими?” деяпсизми? Бу энди ўткинчи, бироз ёқтиришу ва ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Уни севги деб ўйламанг.

У ҳолда муҳаббат қанақа бўлади? Чин ошиқлар айтганидек, “кўзи кўр бўладими унинг?” Бу сирли туйғуга одамзот неча минг йилларки, таъриф излайди, қиёс ахтаради. Тополмайди. Топилмайди ҳам. Лекин у ҳар бир юракда қайтадан туғилаверади, бутун тану жисмингизни жунбушга солаверади. Сиз эса...

Яхшиси, келинг энди, мен ҳам бу нозик мавзу ҳақида сиз билан билганларимни сирлаша қолай. Энг аввал ўзингизнинг севиб қолганингизга ўзингиз ишонинг. Ҳайрату ҳаяжонингизни, поён билмас ширин орзуларингизни, юрагингиздаги орзиқиш ва соғинишни чамалаб кўринг. Ўзингизни синаб кўришга тайёрланинг.

Ўша буюк деб билганимиз, асл деб санаган муҳаббатнинг ОЛТИТА белгиси бор, қизларжон. Уларнинг бири кам бўлса ҳам шубҳа туғилади юракда.

**БИРИНЧИСИ,** фанда “биргалик эффекти ”деган атама билан тушунтирилади. Бунинг шарҳи шуки, муҳаббат деб аталмиш дардни бошидан кечираётган одам тасаввурида, хаёлида доимо севган одами билан бирга яшайди. Гарчи у ундан олисда, ҳаттоки унинг бу сирли ҳисларидан мутлақо бехабар, эҳтимол, айриликда — ҳижронда юрган бўлса-да, севган киши ундан бир лаҳза бўлсин айрича яшай олмайди. Ўйлари, орзулари, ҳатто бахти у билан бирга бўлади.



Кумушидан ажралиб, изтироб чеккан Отабекнинг маҳзун ҳолатини эсланг. Машрабнинг “Ўртар”ини хониш қилган ҳофизнинг нолалари айнан унинг аламли дардлари эмасмиди? Ошиқ Отабек маҳбубасидан зоҳиран ажралди-ю, ботинан бирга яшади. Бу биз айтаётган “биргалик эффекти”нинг худди ўзгинасидир.

**ИККИНЧИСИ,** “идрокнинг идеаллашуви”, яъни сизга (агар ўзингизни севдим дея ҳисоблаётган бўлсангиз) севгилингиз такрорланмас, ҳар тарафлама мукаммал, энг яхши, энг гўзал, энг ақлли, қўйингки, барча ижобий хислатларни ўзида жамлаган инсон бўлиб туюлади. Ҳатто унинг феъл-атворидаги анча-мунча салбий томонлар ҳам камчилик эмас, фазилатга айланиб кўринаверади. Нафақат севган одамингиз, балки унга яқин бўлганлар ҳам сизнинг назарингизда бекаму кўстдек бўлиб қолади. Кўзингизга ҳеч нарса кўринмайди, унинг севиш-севмаслиги сиз учун муҳим эмас, ҳатто атрофингиздагиларни ҳам бунга ишонтиришни жуда хоҳлайсиз, уларга тушунтиргингиз келаверади.

**УЧИНЧИСИ,** севган одамингизга етишиш ёки уни бахтли қилиш учун ўзингизни ҳар қандай ҳолатга тайёрман деб ҳисоблайсиз. Унинг учун изтироб чекишга, сабр-бардош билан кутишга, керак бўлса курашишга ҳам, ҳатто бахтсизликка ва...ўзингиз билмаган ҳолда хатоликка йўл қўйишга ҳам тайёрсиз.

Баъзан ҳаётда турмушнинг арзимаган қийинчиликларига бардош бера олмай ёридан, бахтидан осонгина воз кечаётганларнинг муҳаббати ҳақиқийликдан йироқ эканини англаш қийин эмас. Хўш, қизгинам, Сиз ўзингизда ана шундай альтруизм яъни, ҳар нарсага тайёрлик кучини, кўнгил жасоратини, зарур пайтда сабру бардошни топа оласизми? Кўнглингизга қулоқ тутиб кўринг-чи?

Муҳаббатнинг **ТЎРТИНЧИ** белгиси шуки, унга ошно бўлган инсон ҳаётдаги барча тўсиқларни, қийинчиликларни енга олишига ишонади. Ўзини кучли, сабрли, муросадор ва қудратли деб ҳис қилади. Унга ҳаётдаги унча-мунча мушкулликлар муаммо бўлиб кўринмайди. Ҳаммасини енгаман, бунга ишонаман деган куч унга ҳамроҳ бўлади. Сиз-чи, ўзингизни бу жиҳатдан етук деб ҳисоблайсизми? Умуман, етукликнинг ўзи нима?

Биринчиси, жисмоний етуклик яъни сиз балоғат ёшига жисман етган бўлишингиз, иккинчиси эса ҳуқуқий жиҳатдан мамлакатда белгиланган никоҳ ёшига етган бўлишингиз кераклигини билинг. Бирор касб-ҳунарга эга, жамиятда ўз ўрнини топа олган бўлишингиз ҳам, қолаверса, маънавий-ахлоқий, яъни инсоннинг дунёқараши, илми, одоби, миллий қадриятларни қай даражада билиши, ҳурмат қилиши ҳамда амал қилиши ҳам бир етукликдир.

**БЕШИНЧИ** белги — севган одамингизда бошқалар кўрмаган, аҳамият бермаган хислатларни кўра билишдир. Ундаги анча-мунча хато ва камчиликлар муваққат эканлиги, бир куни у ғаройиб қобилиятларини намоён қилиши мумкин бўлган келажаги ёруғ инсон эканини сезиш белгиси. Ахир, яхшилик орзуга эш бўлади. Ёруғ ниятли кўнгил эса орзусига албатта етади. Буни энди муҳаббатли инсоннинг яхшиликни кашф этиши деса ҳам бўлади.

Ва ниҳоят, **ОЛТИНЧИ** белги шуки, муҳаббат туфайли яшаш сиз учун завқли, олам сиз учун гўзал, ҳаёт сиз учун тотли кўринади. Кўнгил кўзингизга бир назар солинг-чи, сизда ана шу туйғулар бормикан? Бўлса мен сизни чин дилдан қутлайман, муҳаббатингиз муборак бўлсин! Бахт ва иқбол тилайман!..

**Замира РЎЗИЕВА,**
**Андижон вилояти.**

**ИСТЕЪДОД**

# ЛИБОСЛАРИМДА МИЛЛИЙЛИК АКС ЭТСА...

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида дизайнерлик касбига бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Бу соҳада мамлакатимизда ҳам кўпгина эзгу ишлар амалга ошириляпти. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва дизайн институтининг очилиши, Республика дизайн коллежининг ташкил этилиши, ҳар йили кўплаб халқаро мода ҳафталигию, кўргазмаларнинг ўтказилиши бунга яққол мисол бўла олади. Яратилган шарт-шароитларнинг самараси ўлароқ, юртимизда қанчадан-қанча истеъдодли модельер-дизайнерлар етишиб чиқмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг ижодий ишлари билан нуфузли мутахассислар эътирофига сазовор бўлишмоқда. Биз сизга таништирмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Моҳигул Ҳамзаева ҳам ана шундай умидли ёшларимиздан. Моҳигул 1984 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Тасвирий санъат, чизишга бўлган қизиқиш уни Самарқанд давлат Архитектура институтига ўқишга бошлаб борди. Бакалавриатни интерьер-дизайни бўйича битирди.

«Учинчи синфда ўқиб юрганимда қўғирчоқларимга либослар тикардим. Кейинчалик ўзимнинг кийимларимни ўзим тикиб, киядиган бўлдим. Болаликдаги орзуим мени Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва дизайн институтининг либос дизайни бўйича магистратурада ўқишимни давом эттиришимга туртки бўлди», — дейди Моҳигул.



У икки йил давомида устозларидан олган билими, туғилиб ўсган юрти кўҳна Самарқанд муҳитидан руҳланиб, «Самарқанд зардўзлиги асосида замонавий либос моделлари тўпламини яратиш» магистр-академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси ва яратган моделлари билан устозларининг, мутахассисларнинг олқишига сазовор бўлди. У ўзининг моделлари учун «жинси» матосини танлаб, зардўзликдан фойдаланиб, шарқона услуб киритди.

— Мен кўпроқ табиат манзараларидан, тарихий обидалардан илҳом оламан. Шунинг учун ҳамиша Самарқандга борганимда қадимий обидаларни қайта-қайта айланаман, тоғу адирларга чиқиб келаман. Машҳур модельерларнинг ишларидан завқланиб, нималардир чизишга, тасаввуримни кенгайтиришга ҳаракат қиламан. Рангларга келадиган бўлсам, танланган фасонга қараб, ранг ҳам, мато ҳам ўз-ўзидан келиб чиқади. Кўпроқ предепардье услубида ишлайман. Ҳамма рангдаги матодан чиройли, бежирим либос тикса бўлади. Асосийси, менинг яратган либосимни кийган одам хурсанд бўлса, ўзини қулай ҳис қилса, бахтли ҳисобласа, ана шунда мен мақсадимга етган бўламан.

Моҳигулнинг чизган эскизлари, яратган моделларини томоша қиларканман, миллийликка йўғрилган замонавий либосларга ҳавасим келди. Бундай гўзал, бежирим либосларни бемалол ўқишга, ишга, меҳмондорчиликка, ҳатто, тўй-ҳашамларга ҳам кийиб борса бўлади. Либослар табиий матодан тикилганлиги билан бир қаторда, калта, ярим-яланғоч эмас, миллий менталитетимизга ҳар томонлама мос.

**— Ёшларимиз ана шундай миллий калорит уйғунлаштирилган замонавий либосларимизни яхши кўриб кийишлари учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Аввалambор, миллий орнаментлардан фойдаланиб, ўзимизнинг тарихимиздан, ўтмишимиздан келиб чиқиб, шу билан бирга замонавийликдан ҳам йироқлашмаган ҳолда, ёшларга ёқадиган рангли матодан либослар яратишимиз ва шуни кўргазмалар орқали кўрсатишимиз керак. Ёшлар очиқ-сочиқ бўлмаган кийимларда ҳам гўзал кўринишлари мумкин эканлигини ҳис қилишлари керак. Лекин миллийлик — бу чопон билан дўппи ё оёғигача узун кўйлак кийиш дегани ҳам эмас. Ҳозирги ёшларимиз одоб доирасида, ёшига қараб, қадди-қоматига, юзининг рангига мослаб кийинишса, ўзларига ҳам, атрофдагиларга ҳам ноқулайлик туғдирмайди.

Ёш дизайнер Моҳигул айни пайтда янги асарлари устида иш олиб бораётган экан. Унинг устахонасида баъзилари эндигина чизилган, яна бошқасига яқинда ранг берилган миллий либосларнинг эскизлари қалашиб турибди.

**— Бу моделларингиз қайси услубга мансуб? Ўз кўргазмангизни ўтказиш ниятингиз ҳам бордир?**

— Этник услубда еттита моделнинг эскизини чиздим. Буларни тикишда ўзимизнинг миллий матоларимиз: беқасам, адрасдан фойдаланиб, зардўзлик ишларини қўшмоқчиман. Яна бир янгилик, мучал ёшини нишонлайдиган қизчаларимиз учун ҳам либослар эскизини чизиб қўйганман. Бу либосларни крепдешиндан фойдаланиб, босма чок билан миллий орнамент қўшиб тикмоқчиман. Шуларнинг ҳаммаси тайёр бўлса, худо хоҳласа, кўргазма ташкил қилиш ниятим бор.

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**



Адиба УМИРОВАнинг шеърлари гўзал ташбеҳлар, ёрқин хулосаларга бой. Шеър аввало, туйғунинг тасвири экан, бу шоира ижодида беғубор ҳисларнинг ажиб ифодалари бор. Уларда қалбнинг нозик кечинмалари ўзига хос талқин этилганки, бу шеърлар газетхонларимиз юрагидан ҳам жой олади деган умиддамиз.

# Энг гўзал хаёлинг мен бўлсам абад

НАЗМ ГУЛШАНИ

* * *

*Қиёматга қадар мен билан қолсанг,*
*Ҳеч кимга бермаган хатоинг бўлсам.*
*Қилич нафасларинг жонимни олса,*
*Аччиқ соғинчингдан ўлсам, тирилсам.*

* * *

*Бир куни сезилгай менинг йўқлигим,*
*Бир куни тарқайди гумонларингиз.*
*Сабаб тополмайсиз яшамоққа жим,*
*Менсиз айланмайди осмонларингиз.*

*Севасиз, излайсиз, кўп соғинасиз,*
*Бўғзингизга сиғмай нафасларингиз.*
*Мени ўйлагандан ўйлайсиз кўпроқ,*
*Яшашга ортади ҳавасларингиз.*

*Ўшанда ҳам сиздан сира кечмайман,*
*Тушингиз, ҳушингиз куйдирар исмим.*
*Кўзларимни юмиб, қайта очмайман,*
*Ўшанда билингай фариштолигим.*

*Ҳозирча бепарво, беғам боқасиз,*
*Ҳозирча севгингиз этмайсиз ошкор.*
*Ҳозир бахтсиз қилар мени ёдингиз,*
*Ҳозирча сиз учун яшайман бекор.*

* * *

*Фақат қадр учун, фақат ор учун,*
*Ҳаётим куйгандир, жоним куйгандир.*
*Эзгуликнинг қизи бўлганим учун,*
*Мени ғам суйгандир, қайғу суйгандир.*

*Эҳтимол, кўксимга отилган тошлар,*
*Энг гўзал шеър бўлиб кўчган сатрга.*
*Кўзимдан тўкилган марварид ёшлар,*
*Нур бўлиб тушгандир гуллар атрига.*

*Қанча шон-шуҳратни назарга илмай,*
*Хазондек тўкилиб боряпман ерга.*
*Балки, мен одамдек яшашни билмай,*
*Дилимни тупроққа қўйганман эрта.*

*Ҳақнинг хаёлида кездим оламни,*
*Биров сезди, биров сезмас бир пайса.*
*Агарда дунёда тушунган бўлса,*
*Қалбимни тушунди уч-тўртта майса.*

* * *

*Сизни соғинаман... тун кучоғида,*
*Тўлғониб учганда кўкка оҳимиз.*
*Балки соғингансиз ой япроғида,*
*Бедор тўкилганда нигоҳларимиз.*

*Сизнинг тунингизга ҳаққим йўқ эди,*
*Хаёлим бағрингиз ҳеч тилмадиму?*
*Оппоқ йўлингизга кўнглим тўкилди,*
*Саболар дил розим йўлламадиму?*

*Азобли соғинчдан куймоқда кўксим,*
*Шабнамлар қатида ишқим тўкилар.*
*Кўнглингиз амридан чиқолмай бир зум,*
*Балки, сиз ҳам мени кўргингиз келар.*

*Биламан, бахт бермас бундай айрилиқ,*
*Балки, беҳудадир яшашим бедор.*
*Ҳатто тушингизга кирмайман ортиқ,*
*Сизга етмасин деб зиғирча озор.*

*Умрим сўнмоқдами ё ишқим менинг,*
*Оҳлар тортаётир бу кўкнинг юзи.*
*Сизни соғинаман... асрай олмайман,*
*Худога топширдим... асрасин ўзи.*

* * *

*Шунча йил ким учун яшадим ахир,*
*Жонимни асрадим нимага узоқ?*
*Чархи йўқ фалакдек айланиб тақдир,*
*Бахш этар кўз ёшу бир ҳовуч тупроқ.*

*Ҳаёт ҳам яшашнинг давомидек гап,*
*Бунча ғамларингда куйдирдинг бежон.*
*Дўстни-дўст, ёрни-ёр дедим... ҳаммадан,*
*Фақат сенга яқин эдим, Художон.*

*Гул эдим гуллигим сезмайман нега,*
*Гўзал лаҳзаларинг қиёмат қарзми?*
*Пойида йиқилсам минг йил хор қилган,*
*Ишқни деб кўз ёшлар тўксам арзирми?*

*Дунёда нима бор ўзингдан абад,*
*Омонатлар ўтар жондан бирма-бир.*
*Аянчли туюлар хаслигим фақат,*
*Тупроқлигим оғир ботар негадир.*

## СОҒИНЧ

*Намиққан сочларим шуълаларида*
*Беҳишт гулларидек тўкилиб, оқсанг.*
*Топинсам юрагинг зарраларига,*
*Кўзларинг кўзимга оловлар ёқса.*

*Соғинчдан эриса вужудим титраб,*
*Ҳаммадан яширган сирингга етсам.*
*Руҳсиз шовиллаган қамишзорларда,*
*Сен билан адашиб мангуга кетсам.*

*Менсиз умрингдан ҳеч маъни топмасанг,*
*Сенсиз тонг отмаса, кунлар келмаса.*
*Осмоннинг энг баланд жойига етсак,*
*Бизнинг борлигимиз ҳеч ким билмаса.*

*Энг тоза ҳисларим сен бўлсанг абад,*
*Ўзингдан ўзимга сира келмасам.*
*Энг гўзал хаёлинг мен бўлсам абад,*
*Ўзимдан ўзгага сира кетмасанг...*

Адиба УМИРОВА




**«ВАҚО»** — Изоҳли луғатда изоҳланишига кўра, «воқеалар, ҳодисалар» маъносини англатади. Ҳозирги гаплашув жараёнида «ҳеч вақо йўқ» деган гап «ҳеч нарса йўқ» деган мазмунда келади. Аслида эса бу гап «ҳеч қандай воқеалар ва ҳодисалар йўқ» деган маънони билдиради.

**«АНВАР»** — бу сўзни жуда кўп ишлатамиз. Ҳар биримизнинг Анвар исмли қанча танишларимиз бор. Лекин унинг қандай маънони англатишини кўпчилик билавермайди. «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да изоҳланишича, «Анвар» сўзи «энг нурли, энг равшан, порлоқ» маъноларини англатади.

**«БЕКА»** — бу сўзнинг моҳияти ҳаммамизга маълум, яъни «уй бекаси», демакдир. Бироқ сўзнинг келиб чиқиши қизиқ-да. Бир қарашда «бек» ва «бека» сўзидаги уйғунликни ҳамиша ҳам илғайвермаймиз. Аммо улардаги боғлиқлик кафтдагидек кўриниб турибди. «Навоий асарлари луғати»да ҳам «бека» сўзига «бек хотини» деб изоҳ берилган. Бу худди рус тилидаги «он» ва «она» олмошларига ўхшайди.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# «УФ» ДЕМАНГ!

31-сон «Отангни бир сўкиб қўйсанг»

АКС - САДО

Баъзида кундалик юмушлару майда ташвишлар билан бўлиб, атрофимизга боқишга, яқинларимизга, бизга доим яхшиликни истаб яшовчи инсонларга, ота-онамизга меҳримизни улашишга, уларга оз бўлса-да вақт ажратишга, ҳурмат кўрсатишга фурсат тополмаймиз. Ушбу мақолани ўқигач, бола тарбиясида ота-онани эъзозлаш, ҳурматлаш, уларнинг доимий хизматида бўлишни ўргатмоқлик қанчалик зарур эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Қизиқ, негадир бизлар ўзгариб бораётгандекмиз. Отамиз ёки онамизга бемалол гап қайтарадиган, айтган ишларини бажармайдиган бўлиб боряпмиз. Ҳатто менинг ўзим ҳам онамни шунга ўхшаш ҳаракатларим билан кўп марта кўнглини оғритганимни энди тушуниб етдим. Мен уларга бақириб гапирганимда, жаҳл қилганимда, хафа бўлиб аразлаганимда, онам менга фақат яхши бўлишини ўйлаб, қайғурар эканлар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларида шундай дейилган: «Агар Аллоҳнинг илмида ота-онага «уф» дейишдан ҳам кўра ҳурматсизлик бўлганида эди, Аллоҳ ўшандан қайтарган бўларди». Энди бир ўйлаб кўринг, ота-онага «уф» дейиш энг катта ҳурматсизлик ҳисобланса, унда уларни сўкиш, ёмон гапириш, сўзларини қайтариш қанчалик катта хато, гуноҳ бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Албатта, ўсиб келаётган ёш авлод катталардан ўрнак олади, улардаги хислатларни ўзлаштиради. Агар катталарнинг ўзлари сўкишни ўргатаётган бўлсалар, ёшлардан нимани кутиш мумкин? Ахир, ота-онамиз бизни вояга етказган, таъминлаган, доим ёнимизда бўлган, кўнглимизга энг яқин инсонлар-ку! Биз қанча яхши амаллар, яхшиликлар қилмайлик, уларнинг ҳақларини ҳеч қачон адо қила олмаймиз.

**Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА**
**ЎзДЖТУ талабаси.**




# ООО «КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР»

## 32 йилдан бери фаолият юритамиз.

**1. Офтальмология хизматлари**

— Диагностика (кератоконус, кератоглобус, астигматизм — ҳамма турлари, афакия, гиперметропия, миопия);

— Барча турдаги кўзойнакларни танлаш;

**2. Барча турдаги юмшоқ линзаларни ишлаб чиқариш;**

-35,0 — +30,0d

**3. Қаттиқ линзалар — индивидуал тайёрлаш (текширув ва танлаш);**

— Ҳаво ўтказувчи хусусиятга эга линзалар -35,0 — +30,0d;

**4. Шоҳ пардага тушган оқ чандиқларни бекитувчи линзалар (косметик линза);**

**5. Юксак малакага эга шифокор хизмати;**

**6. Хизмат тури нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан.**

**Email: kont@k Linzalar.uz. МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш-8.**
**Мўлжал: Республика кўз касалликлари шифохонаси.**
**ТЕЛЕФОН: 246-77-51, 227-15-69**

*Хизматлар лицензияланган*

# ОДДИЙЛИК ҚИЁФАСИДАГИ УЛУҒЛИК

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР



Музайяна Алавия деган номни мактабда ўқиб юрганимдаёқ эшитгандим. Университетда эса бу исм қулоғимга бот-бот чалинар, халқ оғзаки ижоди ҳақида гап кетганида унинг номи ҳурмат билан тилга олинарди. Ўқишни тамомлаб, ёшлар нашрига ишга келганимда газета саҳифаларида «Тўйларимиз-ўйларимиз» деган мавзу муҳокама қилинарди. Газетхонларнинг шу мавзуга оид фикр ва мулоҳазаларини тайёрлаб бериш менга ҳам топширилди. Бир куни эшикдан қаддиқоматли, лекин ниҳоятда содда кийинган, сочларини ҳам орқасига оддийгина турмаклаган аёл кириб келди. Унинг кўзлари кўзойнаклари ортидан ҳам илтифотли боқарди. Танидим, бу — Музайяна опа! Уларга рости, ҳавасим келди. Опа муҳокама этилаётган мавзу бўйича уч-тўрт қоғоз мулоҳазаларини ёзиб келган экан. Олиб қолдим. Тўйдан кейин ўтказиладиган «келин чаллари» ҳақида ўз дунёқарашимдан келиб чиқиб, қолаверса, ёшлигимга бориб, хўп ўзгартиришлар киритибман. Буни мен кейинроқ сезиб қолдиму, опа бирор оғирроқ гап айтиб юборсалар керак, деб чўчидим. Аммо аксинча, келиб раҳмат айтиб кетди. «Гулхан» ва «Ғунча» журналлари таҳририятида ишлаган вақтларимда ҳам Музайяна опа тез-тез келиб турарди. Келинчалик вақтимда «Гулхан»да бош муҳаррир бўлиб ишлардим. Қадамларим, сўзларим шаҳдам эди. Тўйимиздан кейин уйда бироз бўлгач, ишга чиқдим. Кўп ўтмай; Музайяна опа келиб қолди. Мени бағрига босиб кўришди ва қутлади. Қуйиб берган чойимдан бир ҳўплам ичатуриб, менга дилидаги гапини айтди:

— Яйрахон, уйингизга келинчак бўлиб, аёл бўлиб кириб боринг. Муҳаррирлигингиз эшикнинг орқасида қолсин. Бош муҳаррирлик масъулиятли лавозим эди. Мана орадан қанча-қанча йиллар ўтди. Лекин бу гапларнинг фасли ўтмади. Дилдан ўчмас ёзув бўлиб, табаррук нафасли тилак бўлиб қолди.

Музайяна Алавия ҳақида чуқурроқ фикр юритгим келади. Кўз ўнгимда опа халқ оғзаки ижодининг чинакам фидойиси бўлиб қолди. У изланувчан олима, не-не буюк бахшиларнинг тингловчиси ва достонларни ёзиб олувчи заҳматкаш зиёли эди. Тадқиқотлари натижасида «Ўзбек халқ маросим қўшиқлари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. У ўзбек халқ ижодида кўп жилдлик намуналарини нашр эттиришга улкан ҳисса қўшди ҳамда сафдошлари қаторида «Булбул куйлари» китоби учун Беруний номидаги мукофотга сазовор бўлди. Унинг айтиб тугатиб бўлмас хизматлари ва қанчадан-қанча савоб ишлари бор. Қолаверса, аввал Музайяна опа жўшқин шеърлар ёзган шоира ҳам.

Мен жавонимда адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобини қўлга олиб, «Музайяна Алавия» қисмида тўхтайман. Уни чанқоқлик билан айни вақтда мириқиб ўқийман. Ажабо, мўъжазгина ёзилган битикнинг охирига келаману таққа тўхтаб қоламан. Юрагим алланечук титраб кетади. Тўхтасин домла ёзади: «Музайянанинг биринчи шеърларини кўриб, мен бу қиздан зўр шоира чиқади, деб ўйлардим, бироқ бошидаёқ шахсий ҳаётида рўй берган бўронлар унинг шаштини қайтарди. У халқ оғзаки ижоди уммонига шўнғиб, зўр олима бўлди-ю, биз кутган шоира бўла олмади... Гапнинг нафсиламрини айтганда — бу мардона жасорат, бу фидокорлик!» «Шахсий ҳаётда рўй берган бўронлар» ҳақида устоз Озод Шарафиддиновнинг «Ижодини англаш бахти» китобида гап бор. Ўқиган бўлсам-да, яна бошидан ўқийвераман. Этларим жимирлаб кетади. Бу — Абдулла Алавий ва Музайяна Алавия ўртасидаги қариндошлик риштаси билан боғлиқ эди.

Абдулла Алавий Музайяна опанинг тоғаси эди. У ҳар гал Тошкентга қайтганида жияни ўқий оладиган ва янгиликлардан хабардор бўладиган газета ва журналлар келтириб турган. Кейинчалик уни ўзи билан Самарқандга олиб кетган. Ўша вақтларда Самарқанд пойтахт эди. Музайяна аввалига Маориф техникумида, кейин Педагогика академиясида (ҳозирги СамДУ) ўқийди. Тоғаси ўша кезлари Педакадемияда дарс берар, айни вақтда халқ оғзаки ижодига қизиқиб, уни ўрганишга бел боғлаганди. Қаерга борса, Музайянани ўзи билан олиб борарди.

Музайяна ўз қариндошлари Лутфулла Алавий билан турмуш қурди. Лутфулла авлодидан ўтган табаррук касб — табибчилик билан шуғулланар, одамларга жуда меҳрибон, айни вақтда оиласини ғоят ҳурмат қилувчи инсон эди. Таажжубки, бахт кулиб боқаётган хонадон соҳиби бир кечанинг ўзида йўқолиб қолди. Уни кутдилар-кутдилар. Изладилар, бормаган жойлари, учрашмаган идоралари қолмади. Қаердан суриштирмасин Музайянага фақат бир савол тинчлик бермасди: «Нима бўлган?» Афсус, Лутфулланинг ҳаттоки, изи топилмади... Ёш Музайяна у кунларнинг азобини, дардини елкасида кўтара олди.

Бу воқеадан кейин Музайяна тоғаси Абдулла Алавий йўллаган ишга муккасидан кетади. Зеро, бу иш унинг қайғусини енгишга куч бағишлади. Мақсадли умр тушкунликдан минг чандон афзал, ҳатто чақир тиканаклари билан бирга бўлса-да. Озод Шарафиддинов «Ижодни англаш бахти» китобида шундай ёзади:

«Тўхтасин Жалолов опанинг ҳаёт йўлига шундай таъриф берган. «Сўнгги йигирма йил мобайнида ўзбек шоираларининг адабий меросини излаб, қайси районга бормай, қайси қишлоққа кезиб, қайси хонадонга кирмай, ҳамиша — ҳамма жойда бир гапни эшитдим: «Музайяна опа ҳам келган эдилар».

Оғир кунларнинг ҳам ниҳояси бор экан. «Ниҳоят адоқсиз кўринган ўн йил ўтди ва кунларнинг бирида кўчадан Лутфуллахон кириб келади».

Олис Сибирь конларида унинг ҳам ўн йиллик ризқи бор экан: «Нима учун? Нима гуноҳ қилган эдингиз?» деган саволлар унга ортиқча эди. Ҳали ҳам ўн йиллик хижрондан ўзига келолмаган, бироз ётсираб турган Лутфулла ўрнидан қўзғалди. Қайнонаси унинг ниятини сезиб, уришиб берди:

— Ўғлим, ўз уйингизга келдингиз, Музайяна ўз жуфти ҳалолингиз. Болаларингиз ўз пушти камарингиздан бўлган. Ҳар қанақа ҳардам хаёлларга бориб юрманг...

Музайяна опа билан Лутфулла ака Аллоҳ насиб этган умрни, камсуқумгина, аммо бағри бутунлик билан, бир-бирига ҳурмат-иззатда яшадилар. Табобат илми, халқ оғзаки ижоди дурдоналари улар хонадонининг дурдонасига айланди, гўё...

Шоира Муаззамхон Абдулла Алавийнинг онаси Ҳабибахон Саид Умар қизи (1862-1946)нинг туғишган холасидир. Демакки, Музайяна Алавиянинг онаси Мўътабархон, унинг онаси Ҳабибахон, унинг холаси эса шоира Муаззамдир. Музайяна Алавия онасидан Муаззамхон ҳақида кўп эшитганди. У шоира ҳақида сўраб-суриштиради. Натижада, Сабоҳатхон исмли аёл қўлида сақланган баёзни топадилар... Бу ижод намуналари Тўхтасин Жалоловга етиб боради. Ҳозир шоиранинг баъзи-баъзида кўзингиз тушиб қоладиган шеърий асарлари ана шу баёздан олингандир. Бу ҳақдаги маълумот Т. Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобида мавжуд.

Умр келмоқ-кетмоқ демакдир. А.Навоий номли Тил ва адабиёт институтининг суянчиқларидан бири Музайяна Алавия 78 ёшида 1987 йилда вафот этди. У жуда улкан хизматларини била туриб, бир бора бўлса ҳам кўкрак кериб: «Бу ишни мен қилдим», демади. Эҳтимол, атрофдагиларнинг уни ғоят ҳурмат қилишлари сабаби ҳам шундан бўлса керак. Ҳозир айрим инсонлар пул топишнигина яшаш учун асосий мақсад деб ўйлаган бир пайтда Музайяна опадек инсонларни эсламоқ жоиз. Шўролар замонининг азобларини юрагидан ўтказган, тишини-тишига қўйиб, ўзини маърифатли ишга урган Музайяна Алавияни ёшларимиз билсинлар. Ҳеч бўлмаса, куни кечагина шундай шоира ва олима, камтаринларнинг камтарини бўлган, юртига ва ишига садоқатли инсон яшаганини ҳис қилсинлар, дейман.

Музайяна Алавия ҳақидаги мухтасаргина мақоламда яна Озод Шарафиддиновнинг бу куюнчак зиёли аёл ҳақидаги сўнгги сатрларини келтираман. Буни ўқимоқ ва уқмоқ менга ҳам, сизга ҳам фойдали: **«Баъзан ўйлаб қоламан-да, одамларга ҳайқиргим келади: «Ҳой, яхшилар, теварак-атрофингизга қаранг, оддийлик қиёфасида, камсуқумлик либосида юрган улуғларга бефарқ бўлманг! Уларнинг қўлини олиб, суҳбатидан баҳраманд бўлинг!»**

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА**

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

# «ТИЛЛА ДАРАХТ» ХОСИЯТЛАРИ

Лимон форсчада «тилла дарахт» деган маънони билдиради. Дарҳақиқат, мевасининг товланиб туриши тилланинг ўзгинаси. Унинг меваси ҳам, барги ҳам, пўстлоғи ҳам фойдали. Улуғлар таъриф бергани каби **«лимоннинг хуш иси ақлни яйратади, пўсти ва уруғи юракка фойдали, эти ажойиб озуқа, шарбати бўлса, чанқоқни қондиради».**

Лимоннинг энг яхши тури сапсариқ ва йирик бўлганидир. Унинг ширини эса ўт (сафро) ажралишини тўхтатади, камқонликда наф беради. Ошқозонни мустаҳкамлаб, таом ҳазмини яхшилайди. Нордон лимон сепкилни йўқотади. Уни пўчоғи соқолни ўстиради, пўчоғининг шарбати қайт қилишни тўхтатади. Лимон кўпинча янгилигида чой билан ичилади. Мевасидан мураббо, шарбат, мармелад тайёрланади. Қандолатчиликда ва атир-упа саноатида кенг кўламда қўлланилади. Лимоннинг янги ажратиб олинган шираси гўштли таомларга, айниқса, кабобга қўшилса, жонга ҳузур бахш этади. Халқ табобатида лимон меваси қадрланади. У турли хил хасталикларни даволашда яхши наф беради. Жумладан, меъда касалликларида (паст кислотали гастритларда), жигар хасталигида (сариқ, сурункали гепатит), ўт йўллари ўткир ва сурункали холецистит, ўт халтасида тош бўлганда, бўғин оғриқларида (подагра, бод, радикулит) эм бўлади. Қон тўхтатувчи хосияти бор. Шамоллаганда, дармонсизликда, томоқ, сил, юқумли хасталикларда малҳам бўла олади.

Лимон ҳомиладор аёлларнинг қон томирлари кенгайишининг олдини олади, ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган қусишда фойда қилади. Лимонда қон босимини пасайтириш хосияти бор. Бунинг учун сабзи шарбати, асал, лимон тенг миқдорда олиниб, аралаштирилади. Ва бир чой қошиқдан кунига 3 марта истеъмол қилинади. Қанд хасталиги (диабет)да ҳам лимон дори сифатида ишлатилади.

Эътибор берган бўлсангиз, лимон аввало йўталтиради, йўтал хуружга сабаб бўлади. Бунга сабаб таркибидаги нордон кислотаси борлигидир. Бу кислота юқори нафас йўли аъзоларидан ажралиб чиқиб, шиллиқ моддаларни қитиқлайди ва изтиробли йўтал пайдо қилади. Лимонни қора чой, асал билан истеъмол қилинса, бундай ҳол рўй бермайди.



У танга дармон бўлиш билан бирга, инсон умрини ҳам узайтиради. Лимон ва лимондан тайёрланган маҳсулотлар соғлом кишига ҳеч қандай зарарли таъсир қилмайди. Аммо меъда шираси ошган меъда ва 12 бармоқ ичак ярасига чалинган беморлар лимонни эҳтиётлик билан истеъмол қилиши керак. Чунки лимон меъда (ошқозон) ширасига таъсир этиши мумкин. Бунда лимон меъда ширасини ишлаб чиқаришни янада оширади, пировардида бемор аҳволи кескин ёмонлашади. Бундай беморларга лимоннинг янгиси ва шираси зарарлидир. Лимон уларни жиғилдон қайнаши, кучли оғриқ, спазм, ҳатто қайт қилдиришигача олиб бориши мумкин. Аъзои-танада минерал тузларнинг алмашинуви бузилганда, ангина, фарингит касалликларини тузатишда наф бериб, тери хасталикларини даволашда ҳам фойдаланилади.

Юрак сиқилганида, яъни стенокардия хасталигида лимон шираси, асал, саримсоқпиёз аралашмаси яхши наф келтиради. Бунинг учун 10 дона лимон шираси сиқиб олинади-да, унга 1 килограмм асал, 10 дона майдаланган саримсоқпиёз бўлакчалари қўшилади. Ва обдон аралаштирилади. Уй ҳароратида етти кун мобайнида сақланади. Сўнгра совутгичда сақланади. Тайёр бўлган аралашмадан 4 чойқошиқдан кунига бир маҳал ичилади.

Иммун ҳимоялаш тизими бузилганида, руҳий ҳолатни тинчлантиришда лимон шарбати яхши наф келтиради. Нонуштадан ярим соат олдин сув қўшилган ярим пиёла лимон шарбатини ичиб олсангиз кайфиятингиз яхшиланади. С витамининининг ўрнини тезроқ тўлдириш учун лимон ёрдам беради. У парадонтозни қўзғатувчи оғиз трихомонадасига зарба беради. Шуниси диққатга сазоворки, барча суяк ҳужайраларига жуда зарур бўлган кальций С белгили дармон-дори билан бирга энг зарур жойларга лимон ёрдамида етиб боради. Кальций С белгили дармон-дориси ўзининг фойдали хоссаларининг ярмидан маҳрум бўлади. Агар уни туппаси билан есангиз ундаги кремний ҳам кальцийни ўзлаштириш учун ишлай бошлайди. Лимон семиз кишиларга жуда керакли мева, чунки таркибидаги С белгили дармондори ёғни энергияга айлантирувчи стресс гормонларини ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

# КАСБИ ЙЎҚ КУЁВЛАР

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

## ДЎСТИМНИНГ ҲИКОЯСИ

— Қизи бор уйга кимлар совчи бўлиб келмайди, дейсиз. Менинг ҳам қизим бўйи етгач, таниш-нотанишлардан тинмай совчи кела бошлади. "Шу қизингизни бизга бермасангиз бўлмайди", деб охирги келган совчилар ёпишиб олди. Хуллас, ёшлар бир-икки марта учрашиб кўришди. Бир-биридан кўнгиллари тўлди. Совчиларга розилик бериш олдидан қариндош-уруғларни уйга маслаҳатга чақирдим. Улар йигит томонни сўраб-суриштиришди, "бизга маъқул, тўйни бошлаш керак", дейишди. Аммо кутилмаганда саксон ёшни қаршилаган, ҳеч гапга аралашмай ўтирган тоғам:

— Хафа бўлмагину жиян, сен қизингни турмушга узатишга шошяпсан, узоқни кўра олмаяпсан,—деб қолди. — Қизингни, кўзингнинг оқу қорасини кимнинг қўлига ишониб топширмоқчи бўлаяпсан? Касб-корининг тайини йўқ йигитгами? Эшитишимча, куёв бозорда олиб-сотар экан. Бу — қизингнинг ҳеч нарсада кам-кўсти бўлмайди, дегани эмас-ку...

— Э, тоға, нималар деяпсиз? — эътироз билдирдим. — Йигит бинойидек. Топиш-тутиши ҳам ёмон эмас, тирикчилиги бор экан.

— Чучварани хом санабсан. Хўш, ўйлаб кўрдингми, олиб-сотарлик касбми ёки ҳунарми?

— Ўйламаган эканман, — деб мулзам бўлиб қолдим.

Тоғамнинг гапларида жон борлиги учун бошқа қариндошлар ҳам ўйланиб қолишди. Хуллас, тўй тўхтатилди.

Хотиним ҳайрон, қизим ҳайрон. Менинг эса бошим қотиб қолди. Нима қилайин?

## ШАҲЗОДАЛИК — ШАРАФ ЭМАС (МИ?)

Бир эртакда шаҳзода косибнинг қизини севиб қолиб, унга уйланмоқчи бўлади. Шунда ақлли қиз йигитдан қандай касби борлигини сўрайди.

— Мен шаҳзодаман,—деб жавоб беради йигит.

— Шаҳзодалик касб эмас,— дейди қиз ва бу йигит бирон ҳунарни эгалласагина унга тегишига розилик билдиришини айтади.

Шундан кейин шаҳзода кулол бўлиб етишишга, ҳунар эгаллашга аҳд қилади. Шу ҳунари шарофати билан қийин вазиятдан чиқиб кетади. Косибнинг қизига уйланиб, мурод-мақсадига етади.

Қаранг-а, кимсан, шаҳзода минг бир машаққат билан касб-ҳунар эгаси бўлди, нега энди йигитларимиз, ёшларимиз ундан ибрат олмаслиги керак?!. Тўрт мучамиз соппа-соғ, ақл-фаросатимиз етарли бўлгач вақт борида бирор ҳунарнинг бошини тутиш керак эмасми?

## «ПУЛ МЕНИ ҚУВСИН ДЕСАНГ...»

— Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда беш йилда бешта ҳунарни эгаллардим,— деганди менга бир пайтлари кекса домламиз. — Масалан, машина таъмирловчи устага шогирд тушардим. Бир йил, бир тийин ҳам иш ҳақи олмасдан ёнида туриб, айтганини сўзсиз бажарардим. Шу ҳунарнинг миридан-сиригача ўрганишга жон-жаҳдим билан тиришардим. Иккинчи йили пайвандловчининг ёнига борардим. Учинчи йили дурадгорнинг этагидан тутардим. Тўртинчи йили... Хуллас, беш йилда кечаю кундуз ўқиб-ўрганиб, меҳнат қилиб бешта гулдек ҳунарнинг эгаси бўлиб етишардим. Ана ундан кейин мен пулнинг кетидан қувмасдим, пулнинг ўзи мени излаб топарди. Қўлингдаги биргина дипломга ишонма, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айтайлик, сени ишдан бўшатишди. Хўш, бошқа касб-ҳунаринг бўлмаса, қандай пул топасан? Амални ҳам ҳеч кимга бир умрлик қилиб бериб қўймаган. Амалингдан четлашсанг, рўзғорингни қандай тебратасан?

Халқимизда: "Бир йигитга қирқ ҳунар оз", деган гап бор. Ҳеч бўлмаганда тўрт-беш ҳунарни ўргансанг, ҳаётда бири бўлмаса, бири асқотади. Шундайлар ҳам борки, зўрға эришган вазифа-мансаби унга бир умр берилгандай юради. Кутилмаганда бўшаб қолса қаерга боришини билмайди. Лекин ҳеч ким минг машаққат билан эгаллаган ҳунарингни тортиб ололмайди.

Афсуски, баъзи ота-оналар фарзандларини едириб-ичиришни, кийинтиришни ўз бурчлари деб билишадию, аммо уларнинг ҳунар ўрганишларига жиддий эътибор беришмайди. "Ҳа, ҳали ёш-да, бизнинг давримизда ўйнаб-кулсин, вақти-соати келиб йўлини топиб кетади", дейишади. Буни ҳаёт дейдилар. Унинг турли хил тўсиқ, зарбалари бор, ҳар қандан синовга тайёр туриш керак бўлади. Ана шундай пайтда тарбияси суст, тайинли ҳунари йўқ эркатойларга қийин бўлади.

## «БУ МАЛОМАТ ЁМОНДИР»

Ёшлар бир-бири ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаслиги, йигитнинг данғиллама ҳовли-жойига, машинага ўз кучи билан эга бўлмаганлиги, балки ота-онасининг ҳам омонат эканлиги ҳисобга олинмайди. Оқибатда, қиз бола турмушга чиққач, йигитнинг асл башараси очилади. Касб-корининг тайини йўқлиги очилгач, ўртада келишмовчилик пайдо бўлади...

Шу боис ота-боболаримиз қиз узатаётганларида куёв тарафни, ўғил уйлантираётганларида эса келин тарафни обдон (керак бўлса етти авлодигача) суриштиришлари бежиз эмас. Оиламизда умид билан вояга етаётган фарзандимиз у ўғилми, қизми барибир, энг аввало, сиҳат-саломатлигига қанча эътибор қаратсак, унинг касб-ҳунарли бўлишига ҳам шунчалик қайғурайлик. Ана шунда "Куёв ғирт бекорчи, тайинли бирор касби ҳам йўқ экан-ку ёхуд келин бўлмиш уқувсиз, на ҳунари бор, на рўзғор тутишни билади", деган каби маломатли гапларни эшитмаймиз. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз, муҳтарам замондош? Мулоҳаза юритинг, мунозарага киришинг!

**Суюндик МАМИРОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири**

«ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

## ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

### 1-САВОЛ

**Машҳур француз адиби Виктор Гюгонинг бир гапи бор: «Қизларнинг юзларида фаришталар бўлади. Улар аёл бўлганларидан сўнг бу фаришталар кетиб қоладилар. Лекин маълум муддат ўтгач, ўша фаришталар қайтади». Азиз газетхон, бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, кетган фаришталар уларга яна қачон қайтиб келадил?**

### 2-САВОЛ

**Уни Ўрта Осиё халқлари мусиқа назариясининг асосчиси деб атайдилар. Бу буюк олимнинг «Мусиқага доир катта китоб», «Мусиқа ҳақида сўз», «Мусиқа китоби» каби асарлари машҳур бўлган. Жаҳон тан олган бу улуғ аллома шундоқ ўзимизнинг Сирдарё бўйида туғилган. Оила даврасида бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, гап қайси олим ҳақида боряпти?**

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**

# «СЕВГИ» САЛОНИ СИРЛАРИ



**— Карима опа, мени танидингизми? 20 йил аввал сизнинг салонингиздан тўй либоси кийгандим. Мана бугун қизимнинг никоҳ тўйига кўйлак олмоқчимиз...**

Ҳар доим кулиб турадиган Карима Шайбулина деярли кунора бундай самимий раҳматларни эшитади.

Оқ ҳарир никоҳ кўйлагини кийиб, давра тўрида ҳамманинг кўзларини қувнатиб ўтиришни қайси бир қиз орзу қилмайди. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... Балки шу боисдир, Оққўрғон тумани марказидаги «Севги» салони соҳибаси бўлмиш Карима опанинг ниятлари ҳар доим ойдин. У киши камтарлик ила «яхшиси, ўз кўзингиз билан кўринг бу гўзаллик тимсолларини» дея бизни ичкари хонадаги ял-ял товланиб, кўзни қамаштирувчи никоҳ кўйлаклари бўлимига чорлайди. Ва ўзи ҳам қараб туролмайди: келин бўлиш бўсағасида турган қизлар ёнига бориб, уларнинг кўнглига қулоқ солади.

24 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Севги» салонига нафақат оққўрғонлик, балки қўшни туманда яшаётган келинлар ҳам ўзларига мос либослардан истаганини олишаяпти. Энг муҳими, бу ерда танлаш имконияти катта.

— Биз ҳар доим изланишдамиз. Чунки мода ва фасонлар бир йилда неча марта ўзгариб туради, — дейди Карима опа. — Агар янгиликлардан сал ортда қолсак борми, қанчалаб мижозларни йўқотамиз. Шунинг учун ҳар куни, керак бўлса дунё миқёсида ўз соҳамизга дахлдор янгиликларни ҳам кузатиб турамиз.

Карима опа уч фарзанднинг онаси, икки набиранинг суюкли бувижониси. Ҳамма болалари олий маълумотли. Келинлари билан аҳил-иноқлигини кўриб, уларни қайнона-келин эмас, худди она-бола деб ўйлайсиз. Карима Шайбулинанинг асл касби педагог. Аммо...

— Ҳозир руҳшуносга айланганман, — дейди кулиб опа. — Остонадан кириб келишиданоқ сезаман, шу қизни нима қийнаяпти, қандай ўй-ташвиши бор, ўзи нимани хоҳлайди...

Келин олган, қиз чиқарган оилаларга қарата шуни айтардимки, ҳеч қачон ёмон келин ёки куёв бўлмайди. Ёмон тарбияни яхши томонга ўзгартириш биз катталарга боғлиқ. «Келиним яхши чиқмади», деган қайнонанинг гапига умуман қўшилмайман. Бу борада мен ўз қайнонам Ҳамидахон онадан ўрнак олганман. Ёш ниҳолни меҳр бериб парвариш қилса, тўғри ўсади. Бўлғуси келинларга шундай демоқчиманки, биринчи навбатда ширинсўз бўлинг, қайнонангизни ўз онангиздек кўрсангиз, ҳаёт йўли сиз учун очиқ. Худойимнинг марҳамати шунчалар кенгки, фарзанд туғилиб, уни ўстириб, тарбиялашнинг ўзи бўлмайди. Ҳамма нарса инсоннинг ўз қўлида.

Яна қаҳрамонимизни кузатамиз. Аввал обдон гаплашиб, кейин эса танлаган келинлик либосини кийдириб кўргач, ёққан-ёқмаганига тўла ишонч ҳосил қилганидан кейингина ҳалиги қизнинг пешонасидан меҳр билан ўпиб, «борган жойингда тошдек қотгин, болам», дея оқ фотиҳа бериб кузатаётган Карима опанинг «Севги» салони сирларини сал англагандек бўламиз. Ёшларга бахт тилаб, Яратгандан нурли толе сўраётган шундай фидойи инсонлар бор бўлсин!

**Робинисо АШУРОВА**

AK STAR VERDI «МАРҒУБА» САЛОНИ

*5000 хилдаги «ЭЛИТА» услубидаги пардалар,*
*Ҳар хил турдаги келин кўйлаклари тикамиз*
*(ижарага ҳам берилади).*

- *Сартарошхона,*
- *Соч турмаклари,*
- *Макияж,*
- *Маникюр,*
- *Педикюр хизматлари кўрсатилади.*
- *Таклифномалар, визиткалар тайёрланади.*




**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний 1-Б, 2-уй, 7-секция.
**Мўлжал:** «Тинчлик» метроси.
**Мурожаат учун телефонлар:** 242-86-30, 537-77-73, 170-70-50.

КЎНГИЛ МУЛКИ

# РИЗО МАКТУБИ

Опа тақдиридан қочиб қутула олмади. Аввали онаизорининг оғир хасталиги боисми, ортидан соядек эргашиб юрган йигитлар севгисининг изҳори кўнглига сира сиғмади. Юрагига йўл топганлар ҳам бўлди. Лекин уларнинг тўй ҳақидаги таклифларини ўғил-қизларини узатиб, ҳайҳотдек ҳовлида якка қолиб қолган онаизорининг ташвиши билан қабул қила олмади. Ака-укалари-ку кунаро онасининг ҳолидан бохабар. Аммо мунисгинаси ёнидан жилмай, ҳар бир ҳаракатига таянч бўлиб турувчи бир меҳрибонга муҳтож. Бу эса бугун кўпчилик «опа» деб эъзозлагувчи, ўша пайтлар гулдеккина навниҳол бўлган қизнинг қўлидан келарди холос, ўша кезлари...

Вақт оқар сув экан. Онажони беш йиллар чамаси шу алфозда ётди-ю, бу ўткинчи дунё билан хайрлашди. Фарзандлари ҳурмат-иззат билан уни сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Лекин опа мунисгинасига суяниб қолганиданми, кўп куйди. Йиллар ўтди ҳамки, онасининг мўлтирабгина термулиб ётишлари кўз ўнгидан сира кетмай азобларди уни. Унинг бир бошини икки қилмоқ уйида юрган холаю аммалари жам бўлишиб ундаги бу ҳолатни ёлғизлигига йўйиб, қишлоқларидаги икки боласи билан рўзғори бузилган йигитга қўярда қўймай узатишди. У сабр-қаноатга суянган қиз эди. Шу боисми, умр йўлдоши суюнса суюниб, куюнса куюниб, оиласи бағрига сингиб кетди. Лекин турмуш қурганларига беш йил бўлибди ҳамки, худойим уларга бир тирноқни раво кўрмади. Эру хотин қаердан илинжли хабар эшитса, умид билан ўша жойнинг эшигини қоқишди. Топганларини дўхтирлару табибларга ташди. ...Аммо фарзанд қувончи уларга насиб этмади. Шундай кунларнинг бирида аёл эрининг зорланиб укасига дардини ёраётганини эшитиб қолди.

— Эҳ,—дерди у ичидан келаётган алангани босолмаётгандек оғир хўрсиниш билан. — Бу шўрлик ҳам менинг кўрнамаклигим касрига қолди. Аслида, биринчи аёлим билан бўлган можароларда менинг айбим каттагина эди. У бечора шундай бўлса-да, «ярашайлик, болаларимиз тирик етим бўлмасин...» дея кўп ёлворди. Ўртага қанча одам қўйди. Лекин мен сира шайтонга ҳай беролмадим. Бу орада қариндош-уруғлар ўртасидаги гап-сўзлар ҳам чувалашгандан чувалашди. Айниқса, анча ақлини олиб қолган қизгинам «дадажон, бизни ташлаб кетманг...» — дея қон-қон йиғлаганди. Сира унамадим-а. Ғурур отидан тушгим келмади. Энди эса болаларим кўришиб қолсак ҳам юзимга қарашмаяпти...

Тоғдек эркакнинг аччиқ иқрори опанинг кўз ўнгини қоронғу қилиб юборди. Шу чоғ кўнглидан чақиндек ўтиб кетган хаёл кун ўтган сайин қатъий бир фикрга, аҳдга айлана борди. Унинг учун энди қайнэгачиларининг мулозаматлари ҳам, эрининг меҳрибонлиги ҳам шунчаки бир муносабат, юрагидаги исён эса уни катта бир жасорат сари етаклаб борарди. Йўқ, опа эрига қасд қилмади. Пушаймонлик туйғусидан азобланмади ҳам. Кўзларидан милдир-милдир оқиб, лабларини ялаб ўтаётган сўнгги ёш томчиларини артди-да, шаҳд билан ўрнидан турди. Уни энди ҳеч бир куч йўлидан тўхтата олмас эди. Опа кўрпача қатига яшириб қўйган пулларини санаб, сумкасига солар экан, ухлаб ётган эрига сездирмагина эшикни оҳиста ёпди. Дарвоза томон буриларкан, сўридаги хонтахтанинг устига сўнгги бора кўз ташлади. Опоқ дастурхонга нон ўралган. Ликопчадаги қаймоққа қўл ҳам урилмаганди. У чойнакка кафтининг орқасини босиб кўрди. «Ҳали иссиққина экан». Совуб қолмасин дея сочиқни қаватлаб, чойнакни яна бир марта ўраб қўйди. Ликопчанинг қопқоғини ёпди...

* * *

Опа у аёлнинг уйини яхши билмасди. Фақат исмини, қўшни қишлоқдаги мактаблардан бирида ишлашини эшитганди, холос. Шунинг учун эшикларини топиб боргунча анча овора бўлди. Дарвозадан кириши биланоқ чолу кампирлар ҳам ер чизиб қолишди. Лекин кундошининг юраги тўлиб кетган экан. Аввали зор-зор йиғлаб, эринию бузғунчиларни қарғагандан қарғади. Сўнгра опанинг ковушини кўча томон тўғрилаб, маломат тошини энди унинг ўзига қарата ота бошлади. Опа эса бошини эгганча жимгина тинглайверди. Ора-сира лабларини нималаргадир жуфтламоқ бўларди-ю, гапнинг маънисига гоҳ етиб, гоҳ етмай у ён, бу ён кириб чиқаётган беғубор нигоҳларнинг масъумгина боқишларидан ўзини қўлга оларди, яна...



Кун пешиндан оққунча опа қанча ёлворди, тушунтирмоқ учун нималарни мисол келтирди, ўзи ҳам эслолмайди. Охири соч-соқоли оппоқ, қизининг дарди-ю, набираларининг келажагини ўйлайвериб, гўёки янаям қартайиб, букчайиб қолган отахон фотиҳага қўл очди: «Қизим, сиз бу дунёнинг энг катта савобига эга бўлмоққа лойиқсиз. Илоҳим, Яратганнинг ўзи сизни қўлласин...»

Ва ниҳоят кеч кириб, хонадонларда чироқ милтирай бошлаган маҳали опа икки ярим дил жонни қўлларидан маҳкам тутганча ўзи учун азиздан азиз бўлиб қолган кўча томон бурилди.

— Ана у чорбоғ сизнинг боғингиз. Адангиз сизни интизор бўлиб кутиб ўтирибдилар. Эртага у киши билан бориб ойижонингизни ҳам албатта олиб келасизлар,—деди нималарнидир англаётгандек шодон қадам ташлаётган болажонларнинг юзларидан ўпиб. Сўнгра қизчанинг қўлига хафсала билан букланган хатни тутқазаркан, қулоғига шивирлади: «Буни дадангга бериб қўй».

Болаларини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолган ота суюнганидан уларни бағрига босганча ҳўнграб йиғлаб юборди. Дам унисининг, дам бунисининг юз-кўзларидан ўпаркан, ўзини қўярга жой топа олмас, лекин қандай кириб келишганини суриштиришга бир сўз йўқ эди.

Қизча зийраккина экан. Отасига опа берган хатни кўрсатишдан олдин, секингина ўша номага кўз югуртирди: **«...Берган нону тузингизга рози бўлинг. Агар мендан розилик сўрасангиз, ҳеч қачон болаларингизнинг бағрини ҳувиллатиб қўйманг. Мен сизнинг остонангиздан ҳақиқий бахтимни топа олмаслигимни тушундим...»** Қизча бир куни хатни секингина отасининг чўнтагидан олиб, яшириб қўйди. Онасига қайта-қайта ўқиб ҳам берди.

* * *

...Йиллар ўтиб, Меҳрибонлик уйида ишлаб юрган опани тақдир икки-уч яшар ўғилчасини шу даргоҳга топширмоқчи бўлиб келган киши билан учраштирди. Кўзлари мунчоқдеккина болакай отасидан ҳеч ажралгиси келмас, эркак ҳам уни бағридан қўйвормасди. Лекин барибир болажон шу масканда қолди. Опа уни ўзи сезмаган ҳолда самимий меҳр билан суярди. Болакай ҳам унга бутунлай боғланиб қолди. Отаси эса келувини канда қилмас, ҳар гал опани топиб, ўғлига эҳтиёт бўлишини ёлвориб-ёлвориб сўрарди.

— Уйда яна икки нафар фарзандим бор. Ишламасам бўлмайди. Бу шаҳарда менинг суянадиган ҳеч кимим йўқ. Шунинг учун озгина ўзини эплайдиган бўлгунича шу ерда қолдиришга мажбур бўлдим,—деди шундай учрашувларнинг бирида у.

— Онаси-чи?

— Қанийди уларнинг сиздек онаси бўлса!

Аёл беихтиёр берган саволига ана шундай жавоб олди. У шундан сўнг кўп суриштирди. Уч нафар гулдай гўдагини ташлаб, бир бойваччанинг этагидан тутиб кетган аёлни бу шаҳарда кўпчилик яхши танирканд...

* * *

Савоб деймиз. Назаримда бу улуғликнинг ҳеч бир қолипларга жо бўлмас, ҳеч бир тарози билан ўлчаб бўлмас қиймати, ҳеч бир неъматда топилмас лаззати бор. Балки шунинг учун савобталаб бўлиб яшармизу, унга етишмоқ барчага ҳам насиб этавермас. Инчунун, савоб иш қилмоқдек бахтиёрликка ҳар доим ҳам моддий бойликларни улашиш билан етиб бўлмас. Эҳтимол, катта журъат, катта шаҳд билан ҳам эришмоқ қийиндир савоб ишнинг салтанатига. ...Опа қўйлар сўйиб, тўйлар қилиб, шу орқали дуо олмади. Дилларни, бағирларни бут қилди. Унинг ана шу қодирлиги ўзи излаган, талпинган бахтнинг эшигини очди.

* * *

Яқинда «Опа ўғил кўрибди»— деган хушхабарни эшитдим. Кейин яна бошқа бир гапни ҳам эшитдим: **Хув ўша, муаллиманинг қизи бор-ку, суриштира-суриштира опани топиб келганмиш, денг. Таний олмай турган опанинг қўлига бир хат тутқазибди қиз тушмагур...**

Бу ўша — опанинг юрак қони билан ёзилган мактуб эди...

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**журналист.**

ОДАМ САВДОСИ

# ТАЗАРРУ

Бир йилча муқаддам бу хонадондан ҳали 30 га ҳам кирмаган навқирон йигитнинг тобути чиқди. Ўшанда ота-онадан мерос ҳовлидаги эски иморатларни кўрганлар уч норасида билан бош эгасиз қолган ёш жувонга ачинишди.

— Бечора аёл энди бир ўзи болаларини қандай боқади-ю, манови эски иморатларни қачон янгилайди?

— Э, ўзи раҳматли эри ҳам гулдай ҳунари ортидан топганига шукр қилиб юрганда шу кўргуликлар бошига тушмасди.

— Айтишларича, узоқ йиллардан буён ўша ёқда юрган акаси уни кўп пул топишга қизиқтириб олиб кетган экан.

— Ҳа, нимасини айтасиз, жигаридан айрилгани етмагандай, энди келини ва жиянлари олдида ўзини айбдор санаб, юзига ҳам қаролмай қолибди.

— Буниси ҳолва. Ҳозир келин ўзида бор-йўқ бўлиб турибди. Маъракалар ўтиб ҳушини йиғиб олсин, кейин «болаларимнинг отасиз қолишига сен сабабчисан»,— деб ёқасидан олади, кўрасиз!

— Унақа деманг, ахир Олимжон ўз укасига ёмонликни истамаган-ку, бу фалокатни олдиндан билганда уни ортидан эргаштирармиди?

Хуллас, фотиҳага келганлар орасида анчагача ана шундай гап-сўзлар айланиб юрди.

Лекин «кўза кунда эмас кунида синади», деган нақлга эътибор бермаган Олимжон бу вақт ичида ҳақиқатдан ҳам одамлар орасида бўлиб юрган бу шивир-шивирлар бежиз айтилмаганини ўйлаб, ич-этини еб бўлди. Ҳатто бугун бўлмаса эртага Зарифанинг тилидан чиқадиган аччиқ гапларни эшитишни кутиб юрган кунларининг бирида ниҳоят келин сўз бошлади:

— Ака, биламан ўзингизни гуноҳкор билиб қийналиб кетдингиз. Бунда сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ. Пешоналарига шум тақдир ёзилган экан, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди? Мен сиздан асло хафа эмасман. Ниятингиз ёмон бўлмаганлигини ҳам биламан. Эҳтимол, бу қайнотамдан қолган гулдай ҳунарини ташлаб, ўша томонларга кетиб юборганликлари учун Яратганнинг берган жазосидир. Нима бўлганда ҳам ҳадеб куюниб, афсусланишдан энди фойда йўқ. Сиқилманг, кутилмаган тасодифий фалокатни деб қайнота-қайнонам ўрнида ҳамиша бизга меҳрибончилик кўрсатиб, яхшиликни раво кўрган сиздай акамнинг юзига оёқ боссам, укангизнинг ҳам руҳини чирқиллатган бўламан.

Ҳа, ким нима деса-дедию келиннинг сўнгги сўзлари Олимжоннинг кўзини мошдек очиб, юрагига далда берди. Ақлини пешлаб, секин-аста ўзини ўнглай бошлади. Астойдил ишлади. Келиннинг «йўқ» деганига ҳам қарамай, укаси орзу қилгандай уч хона уй солиб берди. Зарифанинг: «Ҳадеб овора бўлаверманг, ахир сизниям рўзғорингиз бор, қизингизга совчи келиб турибди. Ўзингизникиларга сарфланг. Сиздан минг бор розимиз. Ахир мен ҳам укангиздан ўрганган нонвойчилик билан пул топяпман, қийналмаяпмиз», дейишига қарамай, кунда, кун оша рўзғор халтани тўлдириб, марҳум укасиникига ташлаб кетади.

Аммо ҳамон укасининг ўлими билан боғлиқ ўша машъум воқеа тез-тез тушига кириб, тунлари азобда ўтаётир.

Агар ўшанда Ўринбой билан алоҳида ишлаб, бўлиниб кетишмаганда у одамфурушлар қўлига тушиб, сотилиб кетмасди. Ҳеч бўлмаганда унинг ёнида турганида, укасининг иш ҳақи талаб қилиб, жанжаллашишига ҳам йўл қўймасди. Афсуски, ноҳақликка чидолмай бош кўтарган укаси энди ҳақ-ҳуқуқ талаб қилиб тортишиш бефойдалигини тушунмасди. Шу боис бегона юртларда ҳаётдан бевақт кўз юмди. Гарчи Олимжон жигарининг жасадини дарёдан ахтариб топиб, ўз қишлоғидаги ота-онаси ётган қабристонга олиб келиб дафн этганидан, унинг оиласига кўрсатаётган ғамхўрликдан бироз таскин топса-да, ҳар гал келин ва жиянларини кўрганда ўзини ноқулай сезади.

Айниқса, нигоҳлари тўқнашганда уларнинг кўзларида қотиб қолган мунг Олимжонни минг азобга солади. Уларнинг пешонасига муҳрланган отасизликни ўйлагани сайин одамфурушлик балосининг қурбонига айланган содда, ҳалол, тўғрисўз Ўрмонжон кўз олдида гавдаланади ва иккиси ғойибона дардлашади:

— «Ака, наҳот одам-одамни ҳудди буюм каби сотиб юбораверса? Ахир, бунинг эвазига пул, мол-дунё орттириш қабиҳлик, нопоклик-ку! Шу йўл билан топилган маблағни оиласи, фарзандлари учун сарфлаш инсон деган улуғ номга доғ эмасми?»

— «Ҳа, жигарим, афсуски, дунёда фақат бугунги куни учун ҳар қандай разолатдан тап тортмайдиган, охиратни ўйламайдиган ана шундай кимсалар ҳам бор. На илож, мен сени шундайлардан огоҳ этиб, асраб қололмадим. Мени кечир, укажон! Шояд менинг бу хатоим бошқалар учун ибрат бўлса».

**Шаҳзода АКБАРОВА**

✔ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ



# "STARTIN" СОВРИНДОР БЎЛДИ

**Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида "Биневал" хайрия жамғармаси ташаббуси билан яқинда болалар ва ёшлар ўртасида "Преображение" ("Ўзгариш") деб номланган халқаро фестиваль ўтказилди.**

Ўнлаб хорижий мамлакатлардан таклиф этилган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва якка хонандалар иштирок этган ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон металлургия комбинатининг маданият саройи қошида тузилган "STARTIN" ашула ва рақс гуруҳи ҳам қатнашди.

Светлана Жирнова раҳбарлик қилаётган ушбу жамоа репертуаридан айниқса, машҳур "Ялла" ансамбли ижро этган халқона миллий қўшиқларнинг ўрин олганлиги ҳам россиялик мухлислар олқишига сазовор бўлганини алоҳида эътироф этиш керак.



Албатта, олти кун давом этган фестивалда ёш ҳаваскорларнинг 150 га яқин чиқишларини синчковлик билан кузатган ҳайъат аъзоларига ҳам осон бўлмаганини таъкидларкан, Светлана ЖИРНОВА шундай дейди:

— Биз тайёрлаган мусиқали пьеса кутилмаганда мухлислару ташкилотчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. "Ялла"мизнинг шуҳрати Россияда ҳам кам эмаслигига у ёқда гувоҳ бўлиб, жуда қувондим. Мусиқий пьесамиздаги аксарият қўшиқлар ҳам "Ялла"ники эди. Очиғи, ғолиб бўлишимизни кутмаган эдик. Чунки рақобатчилар кўп эди.

Фестивалнинг эстрада қўшиқлари номинацияси учун ўтказилган беллашувида "STARTIN"нинг энг ёш аъзоси Мадина Турсунова "Бойчечак" ва "Биз биргамиз", Севара Азимова "Чойхона","Камалак"ни, Максим Тен "Ажойиб қўшни" ва "Бувимникида яшайман" деб номланган қўшиқларни маромига етказиб куйлади.

Акмал Нуров, Замира Муротова ва Шоҳруҳ Қаландаровлар "Ялла"нинг "Шарқ юлдузи" ҳамда "Она диёр" қўшиқларини гўзал оҳанглар уйғунлигида талқин этишди.

Яна бир эътиборли жиҳати, бекободлик ёшларнинг "Дунё" ва "Бака-банг" қўшиқлари фестивалнинг гала-концертида ҳам янграгани кўпчиликни хушнуд этди.

— Ниҳоят, ҳаяжонли лаҳзалар яқинлашди. Юракларни ҳовучлаб турибмиз,— дейди гуруҳ раҳбари Светлана Жирнова. — Ғолибларни эълон қилиш бошланди. Бир пайт микрофондан **"Халқаро фестивалнинг биринчи даражали мукофоти ғолиби "STARTIN" — Ўзбекистон"** деган сўзлар янграши билан ҳаммамиз ҳайқириб юбордик. Бирбиримизни қучоқлаб табрикладик.

Махсус кубок ва бошқа қимматбаҳо совғалар ҳамда энг муҳими, бизларни олқишлаб, гулдасталар тутқазиб, қўллаб-қувватлаган шинавандаларнинг қутловларидан суюндик.

Халқаро фестивалда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган "STARTIN" ашула ва рақс гуруҳи аъзоларини Ўзбекистон металлургия комбинати маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси самимий қутлаб, уларнинг ушбу катта муваффақиятлари шарафига кеча уюштириб, уларга махсус совғаларини топширишди. Шунингдек, комбинатга қарашли "Ёшлик" оромгоҳига бепул йўлланмалар ҳам тарқатилди.

Комбинат томонидан яратиб берилган катта имконият ва кўрсатилаётган эътибор ёшларнинг руҳини кўтариб, янада кўпроқ изланишлари йўлида хизмат қилади.

...Саҳнага "STARTIN" гуруҳи таклиф этилади.

Яна гўзал ва ўйноқи мусиқалар янграйди.

**Турдикул НОРМАТОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон металлургия комбинати Маданият саройи қошидаги "STARTIN" ашула ва рақс гуруҳи аъзолари.**
**Суратларни муаллиф олган.**

✔ БАХТ ОСТОНАСИ

# ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Оила — ҳаёт гултожи. Қолаверса, у Ватаннинг жажжи тимсоли ҳам. Аввало, қурилаётган янги оила жисмонан соғлом, маънавий баркамоллик асносига қурилсагина, унинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс бўлади. Косон тумани ФҲДЁ бўлимида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Ёш оила» мактабининг ҳуқуқий, маънавий, маърифий дастурлари асосида, олиб борилаётган машғулотлар самараси катта бўлмоқда. Ёшларга никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақидаги очиқ ва ошкора мулоқотларда айтилаётган йўл-йўриқ, насиҳатлар ижобий таъсир кўрсатаяпти.

Маълумки, соғлом ота-онадан соғлом бола дунёга келади. Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом болалар эса юртимиз камолидир. Ана шу мақсадда ФҲДЁ бўлими ва бошқа барча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда туман миқёсида аҳолиси энг гавжум қишлоқларда, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув муассасаларида «Соғлом авлод асослари» фанига қўшимча равишда машғулотлар олиб борилмоқда.

Айниқса, Маиший хизмат, Саноат-транспорт қишлоқ хўжалиги, Педагогика ва Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган дарслар мазмун-моҳияти билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Косон шаҳри маҳаллаларида, деярли барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун ва моҳияти бўйича олиб борилган тушунтириш, тарғибот ишлари ўзининг таъсирчанлиги ва кенг қамровлилиги билан ажралиб турди. Дарвоқе, оилага эътибор энг олий мақсад эканлиги ҳаммамизга аён бўлган ҳақиқатдир. Шундай экан, нафақат ФҲДЁ бўлимлари ходимлари, балки кенг жамоатчилик ушбу умумхалқ тақдири билан боғлиқ долзарб масалага ҳар томонлама жиддий масъулият билан ёндошмоғимиз керак.

**Жамила ҒАЙБУЛЛАЕВА,**
**Косон туман ФҲДЁ бўлими мудираси.**

✔ ГАЗЕТХОН ФИКРИ

# ҲАР ЕРНИНГ ТОШ-ТАРОЗИСИ БОР

**29-сон «Хорижни қилма орзу»**

Дугоналарим билан кечган суҳбатларимизда, улардан айримлари хориждаги ҳаётни ниҳоятда гўзал, бекаму-кўст деб тасаввур қилишларига амин бўламан. Уларнинг бундай хулосага келишларига сабаб нима? Жавобни хориж телесериаллари, кинофильмларидан топгандек бўламан. Чунки улардаги ҳаёт ниҳоятда дабдабали, сериал қаҳрамонлари эса жуда чиройли, сўнгги урфдаги кийимларни кийишади, серҳашам уйларда яшашади. Энг қимматбаҳо маркадаги машиналарда юришади. Менимча, қизларимиз хориждаги ҳаётни худди кинодагидек тўкис деб ўйлашади, шекилли.

Бир қизни биламан. У Саудия Арабистонида яшайдиган ватандошларимиздан бирининг фарзанди билан турмуш қурди. Ҳа, улар ниҳоятда бадавлат одамлар экан. Лекин бу бойлик онанинг қизини, қизнинг онасини соғиниб тўккан кўз ёшларига арзийдими?

Ўша қиз онасига ҳар доим «онажон, Чорсудан ўзимизнинг қурутдан, патир, қази олиб жўнатиб юборинг, жуда соғиндим» деб йиғлаб қўнғироқ қилганидан хабарим бор. Зеро, ана шу егуликлар унга болалиги ўтган ота уйини, меҳрибон ота-онасини, ўз туғилиб ўсган Ватанидан бир парча сифатида азиз бўлса керак-да.

Шахсан мен ҳар қандай серҳашам уй-жой, зебу-зийнатдан кўра, яқинларим билан ёнма-ён ўз юртимда умргузаронлик қилиш минг бора афзал, деб биламан.

**Чарос БАХРИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# БОЙ БЕРИЛГАН БАХТ

ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ



...Мана, ўн йил бўлди, Моҳиранинг эри билан узоқ юртга ишлагани кетганига. Ўшанда қизи Гулбаҳор тўққиз ёш, икки ўғли — Анвар ва Улуғбеклар ҳали беш, уч ёшдаги, онасининг исига тўймаган гўдаклар эди. Қўшниси Фариданинг хориждан жўнатган пулларига қурилган ҳашаматли уй-жойлари-ю, қимматбаҳо мебелларига ҳавас қилиб, эрига тинчлик бермай қўйган Моҳира ниҳоят уни хорижга кетишга кўндирди. Аввалига "нима қиласизлар, болам, яхшигина ҳунаринг бор, устачиликнинг орқасидан ҳам кунини кўриб юрган қанча, бегона юртларда пул топаман деб, ҳолинг нима кечади, кошки, яқин жой бўлса", — деди қайнонаси шўрлик.

Аммо кекса кампирнинг гапини олмай, уч боласини қайнонасига топшириб, Моҳира эри билан пул топгани узоқ юртларга кетди. Етмишдан ошиб қолган бечора Қумри момо қариган ҳолида болаларни ўз қарамоғига олди. Тўққиз ёшли набираси Гулбаҳор ҳам онаси кетиб, бир зумда анча улғайиб қолди. Энди унинг дугоналари билан кўча чангитиб ўйнашга вақти йўқ. Эрталабдан ҳовли супуради, укаларига чой тайёрлайди, кир ювади. Ҳатто ўқишлари ҳам анча орқага кетди. Бир кун мактабга борса, икки кун уйда, бувисига ёрдам беради. Укалари, ё бувиси бетоб бўлиб қолса, ҳафталаб дарсга бормайди. Ўқитувчилари ҳам бу ҳолга ўрганиб қолишган. Бечора қизга раҳмлари келганидан ҳатто тергамай ҳам қўйишган.

Ота-онасининг кетганига бир йилча бўлиб қолди, шу орада улардан икки ё уч марта унчалик кўп бўлмаган миқдорда пул келди. Кампир шўрлик шуниям болалари олиб кетган қарзга тўлаб қутулди холос, ундан бошқа ҳеч нарсани кўришмади. Қумри момо кекса бўлишига қарамай, қўни-қўшнининг кўрпа-тўшаги-ю, тикиш-бичишини қилиб рўзғорга ишлатарди. Ўзи эридан эрта бева қолган момо етти болани аёл боши билан едириб-ичириб, уйли-жойли қилиб, оёғини узатиб, болаларининг роҳатини кўриб яшайдиган ёшида кенжаси Фарҳоднинг бу қилмиши уни анча чарчатиб қўйди. Тўнғич набираси Гулбаҳор-ку бувисининг юрагини қон қилмаслик учун сир бой бермасди, аммо она меҳрига қонмаган икки гўдакнинг куни ўтиши қийин бўлди. Бошида кенжатойи Улуғбек онасига ичикиб касал бўлиб ётиб қолди. Кечалари алаҳсираб, "аям"лаб чиқди. Шундай пайтларда гоҳ бувиси, гоҳ укасига қараб ичи ачиган Гулбаҳор пана-панага ўтиб, йиғлаб ҳам оларди. Бора-бора болалар ҳам бу кунларга кўникиб кетишди. Бувиларига шунчалик ўрганиб қолишдики, уни бир зум кўришмаса, туролмайдиган бўлиб қолишди.

...Мана, ота-онасининг кетганига ҳам уч йилдан ошди. Лекин улардан шу вақтгача на хат-хабар бор, на пул. Фарҳоднинг ака-укалари у ёқ - бу ёқдан сўраб суриштиришди, ҳатто уларни ишга кетишга қизиқтирган ўша бой қўшни ҳам ҳеч нарса билмайди. Бу орада Гулбаҳор ҳам қўшни кўчада яшовчи чеварга шогирд тушиб, тикувчиликни ўрганди, зеҳни ўткирлигидан кўп ўтмай қизнинг овозаси тезда чор-атрофга тарқалди. Энди унга қўшни маҳаллалардан ҳам тўй бўладиган қизлар кийимларини тиктиришга олиб кела бошлашди. Гулбаҳор ёш бўлса-да, рўзғорнинг барча чиқимларини ўз бўйнига олди. У укаларининг дафтар-китобига, кийим-бошига, барча харажатларига етказиш учун кеча-кундуз меҳнат қилди. Бу орада бувиси ҳам анча қариб, кўзи хиралашиб қолди. Ҳатто Гулбаҳор ўзича махсус китоблардан ўқиб-ўрганиб, қўни-қўшниларга турли пишириқлар, тортлар тайёрлаб берадиган бўлди.

Эндигина охирги тикишларини битириб, тонгга яқин кўзи илинган Гулбаҳор дарвозанинг бемаҳал тақиллашидан чўчиб уйғониб кетди. Югуриб чиқса, ўртанча амакиси бошини ҳам қилганча турарди.

— Бардам бўлгин, сингилжоним, отангдан айрилиб қолибмиз, тез-тез киришинглар, ҳамма жойни йиғиштириш керак. Ҳозир шаҳардан қўнғироқ қилишди. Олиб келишяпти...

Гулбаҳор бир зум ўзини билмай, қулоғи эшитмай, кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Кейин бирдан ҳушёр тортди. Кекса бувисини, норасида укаларини кўз олдига келтирди. Ўн беш ёшида ҳаётнинг анча аччиқ-чучугини татиб қўйган қиз худодан ўзига метиндек сабр тилади. Отасининг маъракаларини қариндош-уруғ, маҳалла-кўй амаллаб ўтказиб олишди. Нимагадир отасининг мурдасини бошқа, бегона одамлар олиб келишибди-ю, аммо онасидан дарак йўқ. Келганлар ҳам бирор тайинли гап айта олишмади.

Осмон олис, ер қаттиқ экан. "Бошга тушганни-кўз кўрар" деб Қумри момо ҳам тақдирга тан берди. Аммо ўғлининг бевақт ўлими уни тўшакка михлаб қўйди. Болалар ҳам эслари кириб, опаларининг ёнидан кириб қолишди. Гулбаҳор пишириб берган ширинликларни бозорга топшириб келиб, уй ишларига қараша бошлашди. "Ишқилиб, биргина меҳрибонимиз бувижонимни худо асрасин-да, дардларига шифо берсин, бизнинг бахтимизни кўриш насиб этсин-да", — деб ўйларди Гулбаҳор. Бир куни тикиш-бичиш анжомларини сотиб олиш учун бозорга борган Гулбаҳор онасининг эски танишларидан бирини кўриб қолди. "Вой, ойдай қиз бўлибсан-а, онанг ўзга юртларда сарғимай, сизларни бағрига босса бўларди" –деди. "Сиз онамнинг қаердалигини биласизми? Уни кўрдингизми?" – дея сўроққа тутди Гулбаҳор. "Ҳа, энди сен ҳам ёш эмассан, ҳамма нарсани тушунасан. Гапимдан хафа бўлма, онанг бошқа бир кишига турмушга чиққан, фарзанди ҳам бор, соғ-саломат ишлаб юрибди. Бир куни албатта келади..."

Қизгина уйга етиб келгунича ўз-ўзига савол бериб келди: "Наҳотки, онам бизни унутган бўлса? Оналик меҳри қалбини тарк этган бўлса? Лоақал бир марта бўлса-да, қўнғироқ қилиб, ўзи ҳақида хабар бермайдими? Биз бу ерда нима бўлганини билмай не-не хаёлларга бормадик. Лекин умидимизни узмадик. У киши бўлса... Ҳай, майли, нима бўлганда ҳам, тирик, соғ-саломат экан-ку, отамиздан айрилганимиз ҳам етади. Худо хоҳласа, бир куни келиб қолар..."

Шундай илинж билан ўн йилни ҳам ўтказишди. Гулбаҳорнинг одоб-ахлоқию, меҳнаткашлигига ҳавас қилувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳар куни эшигидан совчи аримайди. Лекин у ойисининг келишини кутмоқчи. Дадаси йўқлигига ҳеч бўлмаса, онаси бўйи бўлишини жуда-жуда истади. Бувиси: "Қизим, мен ҳам қариб қолдим, сенинг тўйингни кўрай дейман, кўзим очиқ кетмасин десанг, турмушга чиқасан" — деб туриб олмаганида ким билади, балки...

Ахийри шунча азоб чекканига яраша, оллоҳнинг раҳми келдими, ўқиган, тушунган, қадрига етадиган йигитга турмушга чиқди. Қайнона-қайнотаси ҳам меҳрибон кишилар. "Қизим, мени ўз онангиздай кўринг, нима гапингиз бўлса, яширманг" — дерди қайнонаси.

Бу орада Гулбаҳор ўғилчали бўлди. Ширингина ҳаёт кечира бошлади. Бир куни эри: "Фалончи ўртоғим Кореяга ишлашга кетганди, битта машинага етадиган пул жўнатибди. У келгунича уйидагилари машина сотиб олишаркан. Мен ҳам борсаммикан?!" — деб қолди. Ичкарида боласини кийинтираётган Гулбаҳор жонҳолатда югуриб чиқди. "Йўқ! Ҳеч қачон! Бизга ортиқча ҳеч нарса керак эмас! Шусиз ҳам бахтлимиз!.." – деб ҳайқирди нимагадир алам билан. Бу унинг ич-ичидан отилиб чиққан қалб нидоси эди...

**Шаҳноза РОФИЕВА**

# ҚАРИСИ БОР УЙ...

МАҲАЛЛА ҲАЁТИ

Абдурайим ота келини Робияжоннинг идорадан бироз диққат ҳолда қайтганини сезса-да, сир бой бермасликка ҳаракат қилди. У дастурхон тузаб тушликка чақирганда, секин ўзидан сўради:

— Тинчликми?

Шуни кутиб турган эканми, келин ҳам «ёрилди»:

— Қўшни маҳаллалик йигитга фотиҳа қилинган Ойсарахоннинг тўйини тезлатиш учун «элчи» келибди бугун. Куёв бўлмишнинг бувиси оғир касал экан. Шунга бир нарса бўлса, тўй ортга сурилишидан хавотирга тушаётганмиш...

— Тўғри, агар имконлари бўлса, тўйнинг тезроқ ўтгани тузук-да, қизим? — келинига маслаҳат солмоқчи бўлди ота. — Мен бошқа нохушроқ воқеа бўлибдими, деб қўрқиб ўтирибман-а...

— Йўғ-е, ҳаммаси тинчу, аммо қиз ва йигит ҳали дўхтирлар кўригидан ўтишмапти. Бунинг устига расмий никоҳ ҳам ўтказишмоқчи эмас. Вақт эса оз қолган. Ахир у йигитни қиз томондагилар ҳали яхши билишмаса. Бу ахир, умр савдоси-ку! Шуни куёвнинг вакилига тушунтиролмай хуноб бўлдим-да.

Отахон келинига насиҳат қилди-да, ўзи секин қўшни маҳаллага йўл олди. «Куёвнинг бобоси билан оғайничилигимиз бор — ўзи тушунадиган одам», деб ўйлади.

Шокир ота ҳам ёшларнинг шошқалоқлигидан норози эканлигини айтди. Шукр, кампир ҳам оғир касал эмас экан. Бу ёлғон баҳонани йигитнинг онаси тўқиб чиқарибди. Ҳа, айрим қайноналар келинлари ўғил туғмагунича ўртадаги никоҳни расмийлаштиришмайди. Икки қизнинг онаси бўлса-да, қонуний никоҳдан ўтолмай, ота уйига қайтариб юборилганлар ҳақида эшитган. Хуллас, икки қария масалани узил-кесил ҳал қилишди: «Тўй ўз вақтида — келишилган куни ўтади!»

Абдурайим ота қайтишда «Маданий ер» маҳалла фуқаролар йиғини идорасига ҳам кирди. Оқсоқол Аҳмаджон Шаропов кекса фахрийни кўриб, пешвоз чиқди.

— Зап келдингиз-да, ёшуллиқ, сизнинг оила юритишдаги тажрибангиздан айримлар сабоқ олишга тўғри келаяпти. Сабр-қаноатли, иродали бўлиш учун ҳам кенг феъл керак экан одамга. Эртага маҳаллада йиғин. Ота, бир «ҳангома» қилиб берасиз-да.

— Бизнинг ўгитимиз кимгадир асқотса, бажонидил!

Ота ёлғизоёқ йўлдан уйига қайтаркан, эртага одамларга нималарни гапириб бериши ҳақида ўйлаб кетди.



Абдурайим ака Хоразмнинг Хонқа туманида оддий деҳқон оиласида туғилди. Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтини тугатгач, ўз қишлоғига қайтди. Мактабда ўн йил тарих фани бўйича ўқитувчи, сўнг директор муовини ва директор бўлиб ишлади. 1300 ўқувчининг келажакда олийжаноб инсон, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун бор маҳоратини ишга солди.

Отахон турмуш ўртоғи Салима ая билан бир этак фарзандларни вояга етказди. Барчаси маҳалла аҳлининг корига ярайдиган мутахассислар бўлиб етишишди. Бунинг устига 22 набира ва бир чевара ҳам беминнат ёрдамчи. Чолу кампирнинг кексалик нафақасидан тортиб, ҳамманинг даромади битта жойда тўпланади. Бу маблағдан нафақат оила аъзолари эҳтиёжлари балки, маҳалладаги қатор хайрия ишларига ҳам сарфланади. Ҳа, ҳамма гап ниятда! Фарзандлари эрта тонгданоқ чол-кампир ҳузурига саломга келиб, дуо олиб, ишларига отланишади. Ота эса ҳовлидаги экин-тикин, сигир-бузоқнинг парвариши билан бўлиб кун ўтганини билмайди. Кўча-куйнинг озодалиги ҳам оила бошлиғининг нигоҳидан четда қолмайди. Келину қизларга отанинг феъли маълум, тонг саҳардан ҳаммаёқни покиза қилиб қўйишмаса тамом. Ахир улар бежизга тумандаги «Ибратли оила» танловининг ғолиби бўлишмаган-да. Маҳалладаги 189 оиланинг катталари ҳам фарзандларига бу оилани намуна қилиб гапиришларида ҳикмат бор. Етмаганига маслаҳатчи (келин) Робияжоннинг ўгитлари — малҳаму жон.

Қувончлиси, бу йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб аталиши ҳам маҳалла аҳлини яна бир бор руҳлантирди. Фаолият кўрсатаётган иккита янги мактаб ва боғча қаторида қишлоқ врачлик пункти очиш ҳам режалаштирилди. Хомийлар маҳалланинг ўзидан топилди — А. Шарипов, С. Бобожонов, О. Шанниковлар саховати билан ишлар бошланиб кетди...

...Абдурайим ота Шанников эртанги йиғинда айтадиган фикрларини хаёлида жамлагандек бўлди ва ўктам қадамлар билан Шоира қизининг даласига қараб йўл олди. «Деҳқончилик — марднинг иши-да, юрагингга қувват берсин, қизим!» — деди ичида секингина...

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**«Наврўздан наврўзгача» ижодий беллашувига**

Лола ЎРОҚОВА

# КЎНГИЛ КЎЧАСИ



(Боши ўтган сонда)

Шу-шу тўрт фарзанд кўришибдики, Рисолатнинг кўнгли Абдувалига исимади. Баъзан жаҳли чиққанида «мени бир сиқим кепакка алмаштирган онамнинг гўрига ўт кетсин!» — деб қарғанарди. Ишдан ҳориб-чарчаб келган эрининг олдига бир коса овқатни тўқиллатиб қўяр, бўлар-бўлмасга силтаб, жеркиб ташларди. Эри кириб келиши билан эркалатиб ўтирган боласини ҳам туртиб юборар, тўнини тескари кийиб оларди.

Хотин эрини қанчалик ёқтирмаса, Абдували уни шунчалик яхши кўрарди. Унинг барча инжиқликларини кўтарарди. Хотини «олов» олганида болалари каби бир четда мўлтираб, «олов»нинг ўчишини кутиб турарди. Гоҳ барча айбни тақдири азалга тўнкаб, хотинини овутган бўларди.

Аммо фарзандларга Рисолатнинг гўзаллиги-ю Абдувалининг хунуклиги сезилмасди. Болалар учун уларнинг бири она, иккинчиси ота эди, холос. Икковларини ҳам бирдай яхши кўришар, бирдай ҳурматлашарди.

* * *

Бир куни кутилмаганда қишлоқда гап тарқалди. «Абдувалининг хотини марказдан келган тафтишчи билан қочиб кетибди». Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Одамлар ҳам унинг чиройли эканини, эрига кўнгли йўқлигини билишар, бироқ «ўйнаши» борлигини ҳеч ким тасаввурига ҳам сиғдира олмасди. Бир зумда бу ҳовли ўлик чиққан уйдай мотамхонага айланди. Ҳозиру нозир бўлган катта амма ер депсиниб, Рисолатни қарғай бошлади:

«Илоё, ўша ўйнаши билан қўшмозор бўлсин. Тўрт боласини хор қилгани учун боланинг тирноғига зор бўлсин...»

Отаси эса ҳовлининг бир четидаги сўрида омонатгина ўтирар, икки қўли билан бошини чангаллаганича: «Эл олдида бошимни кўтариб юролмайдиган бўлдим. Шарманда бўлдим», дер эди тинмай.

Катта амма бу гаплардан баттар тутоқар ва «сен нега шарманда бўларкансан? Хотининг уялсин, у ор қилсин. Сенга шундай хотин олиб берайки, куйиб кул бўлсин», деб жаврарди.

Аҳён-аҳёнда кичкина амма ҳам гапга қўшилиб, акасини юпатган бўларди: «Ундай манжалақини энди унутинг. Худога шукр, тўрт болангиз бор, биз бор, сизни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаймиз».

Катта амма эса ҳануз аламини келинини қарғаш билан олмоқчи бўлибми, тинмай жаврарди. Бирданига жиянлари эсига тушди шекилли, уларга гап уқтира кетди: «Кўрдингларми, онанг сенларни хор қилиб ташлаб кетди. Бир хорликнинг бир зорлиги бор. Агар мени аммам, мана бу бечорани отам десаларинг, у дунё, бу дунё оналарингнинг юзига қарамайсанлар. Тушундингларми?»

Боядан бери пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган Сабоҳат бўзлаб юборди. Анчагача ўзини қўлга ололмади. Эндигина ўсмирлик остонасига қадам қўяётган қиз хонадонларида рўй берган даҳшатли воқеанинг моҳиятини ниҳоят англаб етган эди. Шунинг учун аммасининг сўзлари унинг тўлиб турган кўнглини бўшатиш учун бир баҳона бўлди, ўкириб-ўкириб йиғлади. Ҳалидан бери отасининг пинжига тиқилиб ўтирган Бахтиёр ҳам опасига қўшилди. Опа-ука ўкириб йиғлай бошлашди.

Баҳодир эса йиғлашни ҳам, йиғламасликни ҳам билмасди. Ким гапирса ўшанинг оғзига термулиб қарарди. Гарчи уйларидаги кўргуликнинг мағзини чақиб етмаган бўлса-да, онаси хунук иш қилиб қўйганини бола қалби билан англаганди. Ҳеч ким билан иши бўлмаган кичкинтой Малоҳат отаси ўтирган сўрида қўғирчоқ ўйнаш билан овора эди.

Баҳодир ўшанда энди олти ёшга қадам қўйганди. Дунёнинг шодлигини онасининг қиёфасида кўрган, усиз ҳаётни тасаввур этолмасди. Унинг эркалаб ардоқлашлари, эркалашларидан эриб кетар, мақтовлари-ю, рағбатларидан боши кўкка етарди.

Тўғри, онаси баъзан эрига аччиқ қилиб болаларини силтар, койир, аммо гап-сўзлари, ҳаракатлари вужудида ёғилиб турган меҳрни сездириб турарди. Бироқ онасининг фарзандларини ташлаб кетишга қандоқ кўзи қийганига Баҳодирнинг ҳеч ақли етмасди. Хаёлида онаси бирор қариндошиникига кетгану, эрта-индин кириб келадигандай туюлаверарди.

Баъзан кўчага чиқиб, машинаю отаравалар қатнаётган йўлдан узоқ-узоқларга термулиб, йўл пойларди. Дарвоза олдида бирор нарса келиб тўхтаса, «онам келдимикан?» деган хаёлда югуриб чиқар, тарвузи қўлтиғидан тушганича хомуш қайтарди. Онасини шунчалик соғинардики, чекка-чеккага чиқиб, тўйганича йиғлаб олар, сўнг ҳовлининг ўртасидан оқаётган ариқ сувига юзларини чайганича ҳеч нарса бўлмагандай яна ўйнаб кетарди.

Аслида, фақат Баҳодиргина эмас, опаси Сабоҳат ҳам, акаси Бахтиёр ҳам оналарини қўмсаб, бир-бирларидан яширинча йиғлаб олишарди. Ҳатто, Баҳодир бир неча марта отасининг ҳам йиғидан кўзлари қизариб кетганини кўрганди. Фақат жажжи Малоҳатгина онасини соғинганини ҳеч кимдан яширмас, «қачон аям келадилар?» деб хархаша қилгани қилганди.

Шу тариқа кунлар, ойлар ўтди. Болалар онасиз яшашга кўника бошладилар. Пана-панада йиғлашлар барҳам топди. Кичкина Малоҳат ҳам тақдирга тан берди шекилли, онасини сўрамай қўйди. Баҳодир отасигина ҳануз азоб чекишини, ҳамон аёлисиз яшашга кўниколмаётганини сезар, ич-ичидан унга ачиниб кетарди.

Аммалари қанчалик қистовга олишмасин, Абдували бошқа қайтиб уйланмади. «Болаларимни ўгай она қўлига топширмайман», деб туриб олди. Аслида у хотинига жуда боғланиб қолганини, унинг камситишлари, хархашалари, ҳатто хиёнат қилганига қарамай беҳад яхши кўришини ҳеч кимга айтолмасди. Мабодо Рисолат қайтиб келса, кечира олишига ҳам ишонарди. Бу нарса эркаклик ҳамиятига тўғри келмаслигини, унинг устидан кулишлари муқаррар эканлигини билса-да, қалбида аланга олиб ётган муҳаббати олдида ожиз эди.

Дастлаб аммалар келиб кир-чирларига қарашиб туришди. Бироқ уларнинг ҳам ўз турмуши, ўз ташвиши бор. Айниқса, Абдували «уйланмайман», деб туриб олганидан сўнг оёқларини тортиб кетишди. «Уйланмасанг майли, — деди ўшанда катта амма жаҳл билан, — умрбод суюқоёқ хотинингнинг азасини тутиб юравер».

Хуллас, ҳамма оғирлик Абдувалининг ўзига тушди. У чўпонликни ташлаб, енгилроқ ишга ўтиб олди. Барча хонадонларда аёллар бажараётган юмушлари уларнинг уйида эркакнинг зиммасида эди. Энди кирларни ҳам Абдувалининг ўзи ювар, ўзи хамир қорар, овқат пиширарди. Баҳодир ҳар гал рўзғор юмушларини бажараётган отасини кўрганида эзилиб кетар, ёнида ўртоқлари бўлса, уялганидан ўзини қўярга жой тополмасди.

Сабоҳат бироз улғайиб, рўзғор юмушларини қўлга олгунига қадар ана шундай ҳаёт кечиришди.

* * *

...Куни кеча ўзини аёлнинг куёвиман деб таништирган йигит оналарининг ўлим тўшагида ётганини, бир ойдан буён «болаларимни чақиринглар», деб ҳол-жонларига қўймаётганини айтиб, улардан боришларини илтимос қилди.

Ота барча фарзандларини бир жойга тўплаб, фикрларини сўради.

— Менинг онам ўттиз йил олдин ўлган, — деди Сабоҳат узил-кесил.

— Мен у аёлни мутлақо танимайман, — деди Бахтиёр иккиланмай.

— Сизлар нима десаларинг шу, — деди Малоҳат.

Фақат Баҳодиргина ҳеч нарса демади. Савол назари билан отасига қаради. Гарчи Баҳодир ҳам онасини аллақачон унутиб юборган бўлса-да, отасининг фикри унинг учун муҳим эди. Чунки у отасини жуда яхши кўрарди, онаси ташлаб кетгандан сўнг бутун меҳрини унга қўйди. Умрини бевафо хотинига садоқату, болаларига бахшида қилиб ўтказаётган бу ювош, олийжаноб кишига ниҳоятда ачинарди.

Абдували кўнгил кечинмаларини ҳеч қачон изҳор қилмаган бўлса-да, Баҳодир унинг юрагидаги дардни сезарди. Бу дарднинг бедаво эканини ҳам билар ва унга жуда раҳми келарди. Шунинг учун ҳам Баҳодир кескин фикр билдириб, отасининг хаёлларини остин-устин қилиб юборишдан қўрқди. Ўзини ўйга толгандай кўрсатиб, вақтни чўзди.

Абдували ака ҳам унинг кўнглини тушунгандай ҳам илтимос, ҳам буйруқ оҳангида сўз бошлади:

— Сен боракол ўғлим, розиман, ҳаммамизнинг ўрнимиздан бор. Майли, оналарингнинг кўзи очиқ кетмасин...

Сабоҳатнинг куйинганича бор. Тўрт бола ўзидан ўтганини ўзи билиб улғайишди. Бировтага сал қаттиқроқ гапирмайдиган бўлишди. Жиззаки ўртоқлари улардан ўч олишнинг йўлини билиб олишганди. «Қазисан, қартасан, асли наслингга тортасан. Онанг киму, сен ким бўлардинг?» деган маломатлардан қулоқлари қоматга келди.

(Давоми бор)




## МЕРКУРИЙДА ҚОР ЁҒАДИМИ?

Меркурийнинг катта юлдуз сифатида бир қанча шарқона номлари бор: Аторуд, Ҳулкар, Сурайё, Орзу, Дабир. Бу юлдуз ақл-заковат, донолик рамзи ҳисобланади. Булар - кўҳна тушунчалар.

Бугуннинг илмий ҳақиқатига кўра,



Меркурий Қуёшга энг яқин сайёра ҳисобланади. Бироқ Калифорния технология университети олимлари "бу ерда ҳам қор бор" деган тахминни олдинга суришмоқда. Бундай фаразга асос бор, албатта. Биринчи марта радиолокация ёрдамида суратга олинган сайёранинг шимолий ярим шари шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Олимлар фикрича, бу сайёранинг ғаройиблиги шундаки, унинг экваторида 426 даража иссиқ ҳукмрон бўлса, Қутб минтақасида 112 даража совуқ бўлади. Қаердадир – икки иқлимнинг ўртасида ҳаёт бор, деган фараз ҳам йўқ эмас.

## АҚЛЛИ ЖОНИВОРЛАР

Биз газетамизнинг ўтган сонларидан бирида дельфин одам каби муҳаббатни ҳис этувчи жониворлардан бири эканлиги ҳақида ёзгандик. Дарҳақиқат, сув жониворлари ичида дельфинлар



онг жиҳатдан юксак ривожланган ҳисобланади. Бу самимий, ёқимтой, ажойиб ҳайвон сут эмизувчилар синфига мансуб бўлиб, гарчи сувда яшаса-да, ҳаво билан нафас олади. Тадқиқотчилар дельфинлар ҳаётини кузатишганда, уларнинг ақллилигига қойил қолишди. Уларнинг маймун ва итларга қараганда ҳам анча идрокли эканлиги аниқланганди. Бу жониворлар одатда 30 – 40 таси бирга, тўда-тўда бўлиб яшайди. Агар бирор дельфин ёрдамга чақирса, бошқалари дарҳол унинг ёнига сузиб келишади ва жониворнинг нафас олиши учун икки томонидан сув юзасида тутиб туришади. Дельфинлар ҳатто, чўкаётган одамга ҳам худди шу тариқа ёрдам кўрсатишар экан.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

***"Бешикдан қабргача илм иста" дейилади саҳиҳ ҳадисларда. Ҳеч бир шубҳа йўқки, илму маърифат инсонни фақат юксакликка кўтаради, лекин ҳеч қачон хор қилмайди. Бу ҳаммамизга маълум бўлган оддий бир ҳақиқат. Лекин...***

МУНОСАБАТ

# МАШҲУР БЎЛМОҚ УЧУН...



Афсуски, ўзимиз мансуб бўлган журналистикада кейинги пайтларда ғалати бир «урф» пайдо бўлмоқда. Яъни одамлар орасида салгина танилган инсонлардан қай бири турли тасодиф ёки сабаблар билан дунёдан ўтиб қолса борми... ҳамкасбларимиз (аксарият ҳолларда тижорат нашрларида ишлаётганлар) бундай "кутилмаган" воқеалар атрофида турли шов-шувлар кўтариб, суҳбат-интерьюлар уюштиришга устаси фаранг бўлиб кетишяпти.

Мана, яқиндагина ёшларимизнинг (катталар ҳам яхши кўришарди) севимли "Божалар" гуруҳи хонандаси Мўминжон Орипов фожеа оқибатида қазо қилди (Оллоҳ раҳмат қилсин!). Радиочилар хайриятки, турли миш-мишларга асосланган гап-сўзлардан қочишди — содир бўлган фалокат ҳақида ахборот беришди. Лекин газетчилар нимагадир "ким ўзар"га тушиб кетишди: бири шу куни раҳматли Мўминжоннинг ёнида бўлган ва ҳалигача кутилмаган фожеа туфайли ўзига келолмаган дўстлари билан интервьюлар уюштирди, бошқаси эса ўз фарзандининг доғида куяётган ота-онаси ҳамда кўзларидаги аламли ёшлари қуримаган умр йўлдошининг изтиробларини газета саҳифаларида босиб чиқарди. Нуфузли бир газета мухбирининг айтишича, ўша кунлари айнан шу воқеа тафсилотлари батафсил ёритилган у ишлаётган нашрнинг нусхалари сотувда ошиб кетибди...

Бу ҳам ҳолва экан: Энг даҳшатлиси, "Божалар" гуруҳи фалокатга учраган машинанинг аянчли манзараси акс этган видеосуратларни уяли телефонларга кўчириб бериш ишонасизми... Шу кунлари ўн минг сўмгача чиқиб кетибди! Бир ёқда кимлардир аза тутиб ётган бир пайтда, бошқа айрим кишилар бу мудҳиш воқеадан қандай қилиб бўлсада, мўмай пул ишлаб қолиш қайғусига тушганига нима дейсиз? Ахир инсоф-диёнат қаёқда қолди? Ўзбекчилик-чи? «Бировнинг кўргулиги ортидан "ишлаб топган" пулингиз қайси кунингизга ярайди?», деб сўрайлик-чи шундайлардан, не деб жавоб берар экин!?

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бевақт ажал туфайли бу дунёни тарк этган одам шоирми, хонандами, албатта, ким бўлишидан қатъи назар, яхши одам экан, нега уни тириклигида қадрламадик? Нега унинг ҳамма ҳавас қилгулик шундай оиласи, дуогўй ота-онаси, сирдош ёру дўстлари ва ниҳоят, минглаб мухлислари борлиги ҳақида самимий эътирофларимизни ёзмадик? Нимани кутдик? Фожеа рўй беришинини? «Сенсациябозлик»ка берилиб кетган айрим ҳамкасбларимизга айтадиган гапимиз шу: машҳур бўлмоқ учун... ўлмоқ шарт эмас!

Ҳар қандай воқеа-ҳодисадан моддий манфаат эмас, балки маънавий манфаат излайлик!

**Норқобил ЖАЛИЛ**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ҚАЙНОНАМ РОЗИ

«Ота-онам Тошкент шаҳрига келин бўлишимга дастлаб узоқ деб унчалик рози бўлмаса-да, Элёрни кўриб, оқ фотиҳа беришганди. У ҳамма билан тезда эл бўлиб кетаверадиган одамшаванда йигит эди. Тўйимиз яхши ўтди. Қайнонам яхшимни ошириб, ёмонимни яшириб, менга суянч бўлди. Оилам ҳавас қилса арзигулик эди. Ўғлимиз туғилгач, янаям иззат-ҳурматим ошди. Кўргулик экан — Элёр бедаво дардга йўлиқди. Касалхонада қўлимда жони узилди. Ўғлимга ҳам ота, ҳам она бўлдим. Ҳозир у вояга етган. Қайнонам «қизим, эрта бир кун ўғлингиз уйланиб, ўзи билан ўзи бўлиб кетади. Ёшлар қадрингизга етгунча кўп сувлар оқади. Кўзим очиқлигида турмуш қуринг, ёшсиз», дея насиҳат қиладилар. Асли қорақалпоғистонликман. **Ёшим 40 да.** Диёнатли инсон учраса, оила қурмоқчиман.

**Нигора».**

## ИНСОФГА КЕЛАР ДЕГАНДИМ...

«Наргизани обдон сўраб-суриштирдим. Уни қўни-қўшнилари, таниган-билганлар одобли, хушмуомала қиз деб мақташаяпти. «Шу қизга оғиз солсак, нима дейсан?», дедилар онам. Сўнг у билан учрашдик. Онам таърифлаганидай экан. Тўйимиз бўлиб, бинойидай яшай бошладик. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Ишхонамдан янги уйнинг ордерини қўлимга тутқазишди. Айниқса, онам «бошпананг бўлди, болам» деб жудаям суюнди. Афсуски, ҳаммаси шундан бошланди. Беш хонали уйга кўчиб ўтгач, Наргиза босар-тусарини билмайдиган бир дугона топиб олди. Унга тушунтириш бефойда бўлди. Дугонасининг чизган чизиғидан чиқмайдиган одат чиқарди. Оиламиздан файз-барака кўтарилди. Уйда қозон осмай, болаларимизни ҳам етаклаб кўча-кўйда тамадди қилиб келадиган бўлди. Энг ёмони, ўз фарзандларимга ҳам ҳаддим сиғиб гапиролмай қолдим. Ака-укаларим менга ачиниб, насиҳат қилавериб, чарчашди. Инсофга келиб қолар, деган умидда тишимни-тишимга қўйиб яшадим. Шунга ҳам 18 йилча бўлиб қолди. Асабларим чарчади. Охири ажрашдик. Тошкентда яшайман. **Ёшим 46 да.** Қадримга етадиган, меҳрибон аёл топилса тақдиримни боғламоқчиман.

**Жасур».**

## КУЁВ ҚИМОРБОЗ ЭКАН

«Қизим Дилдора онаси ва менинг раъйимга қараб, Шокир деган йигитга турмушга чиққанди. Қудамни яқиндан билардим. Жуда бамаъни инсон. Отасининг ўғли-да, ёмон бўлмаса керак, дебман. Афсуски, адашган эканман. Ўз билганидан қолмайдиган куёвим қиморбоз экан. Қизимга қўл кўтарадиган одат чиқаргач, чидаб туролмадик. Ўғилчасини тирик етим қилмайлик десак бўлмади. Ҳатто ота-онаси ҳам «ўғлимизни йўлга сололмаяпмиз», деганларидан сўнгноилож ажрашишди. Пойтахтликмиз. Қизимнинг **ёши 25 да.** Олий даргоҳда сиртқи бўлимнинг охирги босқичида ўқийди. Ўзига мос диёнатли инсон учраб, мустаҳкам оила қурса, кўнглим хотиржам бўларди.

**Одилхўжа».**

## ФАРЗАНДИНИ КЎРСАМ

«Қизим Умида орзуидагидек тагли-тугли жойга келин бўлди. Куёвим ўқимишли, уддабурон йигит эди. Фалокат оёқ остида экан. У айни даври-даврон сурадиган чоғида автоҳалокатга учраб, вафот этди. Қизим олти ойгина яшаб, бева қолди. Ҳеч бир она қизининг қайғусига шерик бўлмасин экан. На илож, осмон узоқ, ер қаттиқ. Куёвим қудаларимнинг ёлғиз ўғли эди. Невараликк ҳам бўлолмади. Шунга ҳам мана, саккиз йил бўлди. Тошкентда яшаймиз. Қизимнинг **ёши 31** да. Олий маълумотли. Яхши оиланинг фарзанди бўлган, зиёли эркак учраса, кўзим очиқлигида унинг оилали, фарзандли бўлишини кўрсам дейман.

**Тожигул хола».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**


# «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**

■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.**
**Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.**


"Оила ва жамият" газетаси ижодий жамоаси фахрий журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Зиёд Исломович ЕСЕНБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.


**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**

**Мухбирлар: 234-25-46**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000**
**Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 732. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 9284
Навбатчи — **Дилфуза ҚЎЗИЕВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

**ISSN 2010-7609**

2 3 4 5